БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (784)

20 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин

Саноат ва қурилишни бошқаришнинг янги структурасини жорий қилиш кооперативлаштиришни анча яхшироқ ташкил этишга, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан ҳамда капитал қурилишига ажратилаётган маблағлардан тўлароқ фойдаланишга, ўринсиз юк ташишларни тезроқ тугатишга имкон беради. Бу эса бошқарувдаги кераксиз бўғинларни тугатишга, ҳозирги вақтда чигал бўлиб ётган кўпгина иқтисодий масалаларни,шу жумладан корхона ва қурилишларнинг материал-техника таъминоти сингари ғоят муҳим масалани тартибга солишга ҳам имконият беради.

(«Саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Пленумининг қароридан).

Кўкламни ҳартарафлама пухта тайёргарлик билан кутиб олайлик

Октябрь жойлардаги қор эриб кетиб ердан ҳовур кўтарилмоқда. Бу — кўклам яқинлигига нишона. Қуёш нури далаларни қиздира бошлади. Ремонтдан чиқарилган тракторлар, «универсал»лар, сеялкалар МТСдан колхозларга келтирилган. Илғор пахтакорлар, механизаторлар даврага тушмоқчи бўлган полвонлардек енг шимариб турипти лар. Улар: кўклам — деҳқон йилининг боши эканлигини биладилар. Шундай кезларда илғор колхоз, совхоз ва МТСларда бўлиб, уларнинг иши билан танишсангиз, жўшқин ҳаракатни, чаққон ишлаётган кишиларни, раҳбарларнинг ишнинг кўзини билиб уддабурролик билан йўл-йўриқ кўрсатаётганлигини, топшириқни бергач, унинг бажарилишини ўз вақтида талаб қилиб олинаётганлигини дарров пайқайсиз.

Пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришни мўлжаллаган колхоз, совхозларнинг раҳбарлари ана шунга эришмоқ учун даставвал экиш кампаниясига пухта тайёрлик кўриш зарурлигини яхши англайдилар. Шунинг учун бу хилдаги хўжаликларда кетмон, ўроқдан тортиб окучник, культиваторгача қиш ичи ремонтдан чиқариб, созлаб қўйилади.

Кўклам бўсағасида турган ҳозирги пайтда, илгаригига қараганда жадалроқ ишлаш, суръатга-суръат кўшиш лозим. Қиш ичи бажарилиб қўйилиши зарур бўлган кўпгина ишлар айрим жойларда ўз вақтида қилинмади. Ҳали кўпгина трактор, «универсал» ва сеялкани ремонт қилишимиз, уларнинг анчагинасини яхши усулда ишлашга мослаштиришимиз керак. Пахтакорларимиз, механизаторларимиз квадрат-уялаб чигит экиш методини пухта эгаллаш, ўз ишларининг устаси бўлиш учун шу кунларда ўқиб-ўрганишлари зарур.

Кичик карталарни бир-бирига қўшиб йириклаштириш, ариқ-зовурларни тозалаб қўйиш, далага гўнг ва ҳар хил маҳаллий ўғит чиқаришни ҳар тарафлама кучайтириб юбориш шу кунлардаги энг муҳим вазифалардандир. Ҳозирги кунларда ҳар бир колхоз ва совхозда ишни шундай ташкил этиш керакки, кузда шудгор қилинмай қолган ерлар ҳайдаш билан бирга уруғлик чигитни ташиб келтириш, квадрат-уялаб чигит экиладиган далаларни танлаш, уни текислаш ва техниканинг яхши ишлаши учун тайёрлаб қўйиш талаб этилади.

Гап кўклам экишига тайёргарлик кўриш тўғрисида борар экан, областимиздаги аҳвол шу куннинг талабига тўла жавоб берадими, деган савол туғилади. Афсуски, ҳамма жойда иш ҳозирги талаб даражасида эмас. Кеча газетамизда эълон қилинган область партия комитетининг Чиноз ва Пискент районларидаги колхоз, МТСларда экиш кампаниясига ҳозирлик кўриш мутлақо қониқарсиз аҳволда эканлиги тўғрисидаги қарорида қайд қилинганидек, ҳали кўпчилик район, колхоз, совхоз, МТСларда хотиржамлик, ўтган йилги муваффақиятлар туфайли мағрурланиш кайфияти ҳукм сурмоқда. Ахир, февраль ойи тугаб, баҳор фаслининг дастлабки ойи — март яқинлашиб келаётганлигини унутмайлик. Кўклам экиш кампанияси даврида ишлатиладиган машина-асбобларни тезроқ ва сифатли тайёрлаб қўймасак, экиш бошланган даврда сунъий қийинчилик пайдо бўлиб, мўлжалдаги ишимизни вақтида қила олмаймиз.

Илғор район, МТС ва совхозларнинг раҳбарлари ана шуни назарда тутиб, барча куч ва эътиборни тайёргарлик ишларини ҳар тарафлама кучайтириб юборишга сафарбар этмоқдалар. Шу хилдаги хўжаликларнинг раҳбарлари шахсан ўзлари иш тепасида бўлиб, аҳвол билан пухта танишган ҳолда иш суръатини тезлаштириш, сифатни яхшилашни назорат қилиб турибтилар. Зарур бўлган тақдирда пахтакорлар ва механизаторларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Янгийўл районидаги 2-МТС (директори Ўртоқ А. Иброҳимов) трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини февраль ойининг дастлабки кунларидаёқ ремонт қилиб қўйган эди. МТС коллективи шундан кейин кадрларни ўқитиш ва ўргатишга киришди. Бу илғор МТС хизмат қиладиган йирик пахтакор — Сталин номли, Свердлов номли ва «Коммунизм» колхозларида квадрат-уялаб чигит экадиган экипаж аъзолари тажрибали инженерлар, агрономлар ёрдамида ўз малакаларини оширмоқдалар, шу билан бирга далага чиқиб амалий машғулотлар ҳам ўтказмоқдалар.

Ўртасарой районидаги иккинчи, Оржоникидзе районидаги МТСларда ва бошқа бир қанча илғор машина-трактор станцияларида, пешқадам колхоз, совхозларда ҳам худди шундай қилинаётир.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси томонидан юборилиб турилиадиган сводкаларни кўздан кечирганда, қатор район ва МТСларда трактор ремонти ҳам, техникани янги усулда ишлашга мослаштириш ҳам, кадрларни ўқитиш-ўргатиш ишлари ҳам талабга жавоб бермайдиган даражадалигини кўриб афсусланасиз. Хўш, Янгийўл районидаги 2-МТСда бўлганидагидек имконият, шароит Оққўрғон районидаги 2-МТСда йўқми? Бор. Очиғини айтиш керак, Оққўрғондаги 2-МТСнинг раҳбарлари ана шу имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар, ишни тезлаштириш учун механизаторларга маданий-маиший шароит яратиб бермаётирлар. Натижада МТСда ремонт ишларининг кечикаётганлиги устига, ремонт қилиб бўлинган тракторларнинг айримлари текшириш даврида ишга тўла яроқли бўлиб чиқмаётир.

Шу нарса ачинарлики, МТС хизмат қиладиган бир қанча колхозларда ерни экишга тайёрлаш, квадрат-уялаб чигит экиладиган ерларни танлаб ажратиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Шундай колхозлар ҳам борки, уларнинг раҳбарлари қанча майдонга қандай схема билан чигит экиш зарурлигини яхши билмайдилар.

Оққўрғон район партия комитети, район ижроия комитети ўтган йили шу МТС зонасида пахта тайёрлаш планининг бажарилмай қолганлиги сабабларини ва бу йил ҳам бултурги хато-камчиликлар такрорланаётганлигини МТС раҳбарларига уқтиришлари, ишни яхшилаш юзасидан уларга нисбатан талабчанликни оширишлари керак. Акс ҳолда 2-МТС бу йил ҳам кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш кечиктириб юборилиб, районни орқага тортиб қолади.

Бугун газетамизда Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг февраль-март ойларига мўлжалланган ишлаб чиқариш плани эълон қилинмоқда. Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари барча колхозларда ҳам экишга тайёргарлик кўриш ва бу ишни муваффақиятли ўтказиш учун маҳаллий шароитга мосланган ишлаб чиқариш плани тузиб чиқишни, барча ишларни ана шу план асосида ташкил этиб, тайёргарликни ҳар тарафлама кучайтириб юборишни талаб этишлари зарур.

Колхоз, совхоз ва районларда гўнг ташиш, ариқ-зовурларни тозалаш, қишлоқ хўжалик машина-асбобларини ремонт қилишга ажратилган кишиларнинг бу ишда тўла қатнашишини таъминлаш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Колхоз ва МТСлар пахтакорлар ҳамда механизаторларнинг бажарган ишини тўғри ҳисобга олишлари, уларга ҳақ тўлашни ўз вақтида уюштиришлари талаб этилади.

Кўклам экишига тайёргарлик кўриш соҳасида илғор колхозчилар, механизаторларнинг тажрибасини кенг оммалаштириш, шу йўл билан умумий юксалишга эришиш маҳаллий партия ташкилотларининг жанговар вазифасидир.

Пахтакор ўртоқ, кўклам табиатнинг улкан дарвозасини қоқиб етиб келмоқда. Сен уни азиз меҳмонга тайёргарлик кўргандек очиқ чеҳра билан, кенг қучоқ ёзиб кутиб олсанг, ишинг шунчалик юришиб кетади. Вақт ғанимат, ҳар бир минут, ҳар бир соатдан тўла ва унумли фойдаланиб, кўклам экиш кампаниясига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрайлик!

Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси

ўртоқ Иштван Добига

Ўртоқ Раис, дўстлик ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет—Венгрия Шартномаси тузилганлигига 9 йил тўлган кунда совет халқи, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан қардош венгер халқини, Венгрия Халқ Республикаси Президиуми ва шахсан Сизни табриклашга ҳамда социалистик Венгрия қурилишида катта муваффақиятлар қозонишни тилашга ижозат бергайсиз.

К. ВОРОШИЛОВ

Совет Социалистик республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси

Венгрия Халқ Республикаси Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати Раиси

ўртоқ Янош Кадарга

БУДАПЕШТ

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикасининг халқлари бугун Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома имзоланган куннинг 9 йиллигини нишонламоқдалар.

Ана шу Шартномага асос қилиб олинган принциплар совет ва венгер халқлари ўртасидаги мустаҳкам қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун мустаҳкам база бўлди.

Шартнома имзоланган пайтдан буён ўтган тўққиз йил бу Шартноманинг ҳар иккала мамлакат халқларининг, шунингдек бутун социалистик лагерь мамлакатлари халқларининг энг муҳим, ҳаётий манфаатларига муносиб эканлигини тамомила яққол кўрсатди.

Ўртоқ Раис, қардош венгер халқининг контрреволюцион исён натижасида етказилган жароҳатларни мумкин қадар тезроқ даволашини, шунингдек социализм қуриш ишида, суверен ва мустақил Венгрия Халқ Республикасини мустаҳкамлаш ишида янгидан-янги муваффақиятлар қозонишини бутун совет халқи, Совет ҳукумати номидан, шахсан ўз номимдан тилайман.

Н. БУЛГАНИН

СССР Министрлар Совети Раиси

Венгрия Халқ Республикаси Ташқи Ишлар Министри

ўртоқ Имре Хорватга

БУДАПЕШТ

Ўртоқ Министр, Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома имзоланган куннинг 9 йиллиги муносабати билан самимий табрикларим ва энг яхши истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Бу Шартнома тинчлик ва социализм манфаатлари йўлида венгер ва совет халқлари ўртасидаги яқин, дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун маҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Совет кишилари Венгрия меҳнаткашлари контрреволюцион исённинг оқибатларини ғоят қисқа вақт ичида тугата олишларига аминдирлар ва қардош венгер халқининг социалистик қурилиш ҳамда Венгриядаги халқ-демократик тузумни мустаҳкамлаш ишида муваффақият қозонишини истайдилар.

А. ГРОМИКО

СССР Ташқи Ишлар Министри

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси

Маршал К. Е. Ворошиловга

МОСКВА

Ўртоқ Раис, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Венгрия-Совет Шартномаси тузилган куннинг тўққиз йиллиги муносабати билан венгер халқи номидан, Венгрия Халқ Республикаси Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан дўст совет халқига, ССР Иттифоқи Олий Советига ва шахсан Сизга энг яхши истаклар изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Венгрия Халқ Республикаси Президиуми Раиси Иштван ДОБИ

СССР Министрлар Советининг Раиси

Маршал Н. А. Булганинга

Ўртоқ Министрлар Совети Раиси, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Венгрия-Совет Шартномаси имзоланган куннинг 9 йиллиги муносабати билан венгер халқи, Венгрия Халқ Республикаси Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан Совет Иттифоқи халқлари ва Ҳукуматига ҳамда шахсан Сизга энг яхши тилаклар изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Венгер Халқ демократияси Совет Иттифоқидек улуғ, самимий дўст ва вафодор иттифоқчига эга бўлди. Бу ҳол ўтган йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида айниқса яққол кўринди. Ўша вақтда халқаро империализм мамлакатимизнинг камчиликлари ва хатоларидан фойдаланган эди ва халқ-демократик тузумни ағдариб ташлаш мақсадида мамлакат ичкарисидаги синфий душман билан иттифоқ бўлиб, ифво йўли билан контрреволюцион қўзғолон бошлаган эди.

Пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи ўша вақтда халқимизга дарҳол кўмаклашди ва контрреволюцияни бостиришда ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини тиклашда ёрдам берди.

Венгер халқи бундан буён ҳам Совет Иттифоқи халқлари ва социализм лагеридаги барча мамлакатларнинг халқлари билан қардошларча дўст бўлиб яшашни истайди.

Биз шунга аминмизки, халқларимизнинг дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар пролетар интернационализми тўғрисидаги, суверенитет ҳақидаги ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик тўғрисидаги ленинча принциплар асосида бундан буён ҳам ривожлана боради.

Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати Раиси ЯНОШ КАДАР

Будапешт, 1957 йил 16 февраль.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи Ишлар Министри

ўртоқ А. А. Громикога

МОСКВА

Ўртоқ Министр, Венгрия Халқ Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома имзоланган куннинг 9 йиллиги муносабати билан самимий табригимни қабул қилишингизни сўрайман.

Ана шу Шартнома асосида мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида янги типдаги муносабатлар вужудга келтирилди. Бу муносабатлар социалистик мамлакатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва қардошларча иттифоқига асосланган. Бизнинг иттифоқимиз мамлакатларимизнинг суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб олиб бораётган курашимизда буюк куч манбаидир.

Мен шунга аминманки, мамлакатларимиз ўртасидаги, шунингдек социалистик лагернинг бошқа аъзолари ўртасидаги мустаҳкам дўстона ҳамкорлик гуллаб-яшнаш учун, мустақилликни сақлаш учун ва тинчлик учун олиб бораётган умумий курашимизнинг муваффақият қозонишига ёрдам беради.

ХОРВАТ ИМРЕ,

Венгрия Халқ Республикаси Ташқи Ишлар Министри

1957 йил 17 февраль.

БОЛГАРИЯЛИК МЕҲМОНЛАР МОСКВА АВИАЦИЯ ЗАВОДИДА

Министрлар Советининг Раиси Антон Югов бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси Ҳукумат делегациясининг аъзолари 18 февралда тушган кейин Москва авиация заводига бордилар. Бу ерда уларни корхона ишчилари, Авиация саноати министри П. В. Дементьев, завод директори П. А. Воронин кутиб олдилар. Меҳмонлар цехларни бориб кўрдилар ва пассажирлар ташийдигани «ИЛ-14» самолётларининг қисмлари қандай йиғиштирилаётганлиги ва монтаж қилинаётганлиги билан танишдилар.

Корхона цехларидан бирида кўп кишилик митинг бўлди. Завод касаба союз комитетининг раиси С. А. Овечкин митингни очиб, корхона ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари номидан Болгария Ҳукумат делегациясининг аъзоларини табриклади.

Митингда завод партия комитетининг секретари А. И. Разкутин, ишчи Тамара Грачева ва цех бошлиғи Н. С. Козлов нутқ сўзладилар.

Давомли қарсаклар билан кутиб олинган Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Енчо Стайков қатта нутқ сўзлади. У ўз нутқини Болгария ва СССР халқлари дўстлиги шарафига, ишчиларнинг халқаро бирдамлиги шарафига табрик сўзлари билан тамомлади. (ТАСС).

СОВЕТ ЁШЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРУВЧИ ВА УНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИДА

Совет ёшларининг Бутуниттифоқ фестивалига тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи Марказий ташкилот комитетига Бутуниттифоқ фестивалининг якунловчи қисмини ўтказиш муддатини бир мунча кечиктириш тўғрисида кўп илтимосномалар келиб турибди.

Марказий ташкилот комитети бу илтимосларни қараб чиқди ҳамда Совет ёшлари Бутуниттифоқ фестивалининг якунловчи қисмини илгари мўлжалланганича шу йил 20-27 майда эмас, балки шу йил 28 июлдан 11 августгача, яъни ёшлар ва студентларнинг тинчлик ва дўстлик VI Жаҳон фестивали ўтказиладиган муддатларда ўтказишга қарор қилди.

Областимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорини қизғин маъқулламоқдалар

Металлурглар ғайрати ошмоқда

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорига жавобан иш суръатини тобора оширмоқдалар. Мартен цехида ҳар уч эритмадан иккитаси тезкор усулда эритилмоқда. Донгдор пўлат эритувчи Измайлов бу соҳада айниқса юқори кўрсаткичларга эришаётир.

— Партиямиз Марказий Комитети Пленумининг қарори, — дейди ўртоқ Измайлов, — бизнинг кучимизга-куч, гайратимизга-гайрат қўшди.

Прокатчилар ҳам иш суръатини тобора оширмоқдалар. Листопрокатчи Георгий Ромасько сменада 75 ўрнига 110-120 тадан юпқа тунука бермоқда. И. Ишин, Л. Манжиков, С. Ғойибназаров, Т. Абдуллаев каби илғор ишчилар смена топшириқларини 120-140 процентга етказиб бажармоқдалар.

Г. ИБРОҲИМОВ.

Тошкентдаги Ильич номли завод коллективи КПСС Марказий Комитетининг «Саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Суратда: қуюв цехининг мастери А. С. Пальвинский февраль Пленуми қарорини ўз ўртоқларига ўқиб бермоқда.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Хўжаликни идора этишда актив иштирок этамиз

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарори қанча фабрикасининг коллективи ўртасида қизғин муҳокама қилинди. Йигирув ва тўқув цехларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари смена тугаши олдидан йиғилиш ўтказдилар.

Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Н. М. Ткачева тўқувчиларни февраль Пленуми қарорининг асосий мазмуни билан таништириб, бу муҳим қарорнинг ҳозир жавоблиги ва унинг фабрика ҳаётига ҳам тўла таллуқли эканлигини айтди.

16 февралдаёқ 1957 йил биринчи квартал планини ортиги билан бажаришга муваффақ бўлган новатор тўқувчи ўртоқ Азиза Мирзаева ҳаяжон билан гапирди.

— Мамлакатимиз куч-қудратининг тинмай ўсиб бораётганлигини областимиз мисолида кўрсак бўлади. Биргина Тошкентда неча юзлаб йирик корхоналар ва қурилишлар ишлаб турибди.

Корхонанинг йигирув цехи ишчилари ҳам февраль Пленуми қарорига бағишланган суҳбат уюштирдилар. Суҳбатда фабрика директори ўртоқ И. Харитонов бу йил корхона ишлаб чиқариш қувватининг анча ошиши, цехларда янги ускуналар ўрнатилиши, асосий процессларнинг автоматлаштирилиши тўғрисида гапириб, ишчиларни фабрика хўжалигини бошқаришда маъмуриятга яқиндан ёрдам беришга чақирди.

А. АБДУАЗИМОВ.

Пленум қарорини ўрганмоқдалар

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг барча цех ва участкаларида КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг «Саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Пленум қарорига жавобан фабрика ишчилари меҳнат унумдорлигини тобора оширяётирлар.

5-цех коллективи корхонадаги энг илғор цехлардан бири ҳисобланади. Бу ерда мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш туфайли декада ва ойлик топшириқлар доимо ортиги билан бажарилмоқда.

— Партиямиз Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорида, — дейди ҳозир 1962 йил ҳисобига ишлаётган илғор ишчи Акрам Атхамов, — социалистик экономикамизни янада зўр бериб юксалтириш йўллари белгилаб берилган. Бу тарихий ҳужжатда ишлаб чиқаришни бошқаришга оммани тагин ҳам кенгроқ тортиш назарда тутилган. Биз Пленум қарорини амалга ошириш учун бундан кейин ҳам мавжуд резервлардан янада унумли фойдаланиш ишлаймиз.

Фабриканинг бошқа цехларида ҳам ишчилар Пленум қарорига жавобан социалистик мусобақани тобора кенгайтирмоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Муҳим тарихий ҳужжат

Тошкент темир йўлининг 54-разъездидаги ёғоч ишлаб чиқариш заводининг цех ва участкаларида КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарори зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бу тарихий ҳужжатга бағишланган суҳбатлар бўлиб ўтаётир.

— Партия ва ҳукумат мамлакат халқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш ва шу асосда совет кишиларининг моддий фаровонлигини тинмай ошира боришга жуда катта эътибор бермоқда, — дейди фрезеровщик Е. Кривой. Партиямиз Марказий Комитети февраль Пленумининг қарори саноат ва қурилишни бундан кейин яна ҳам зўр бериб юксалтириш тадбирлари ишлаб чиқилган муҳим тарихий ҳужжатдир. Бу ҳужжатда маҳаллий органларнинг хўжалик қурилишдаги ҳуқуқларини янада кенгайтириш кўзда тутилади.

Завод коллективи Пленум қарорига жавобан иш суръатини тобора оширмоқда. Д. Краснюк, Е. Воробьева каби илғор ишчилар кунлик топшириқларни 180-200 процентга етказиб бажармоқдалар. Январь ойи ва февралнинг ўн бешкунлик топширигини ортиги билан бажарган корхона коллективи эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Ғ. АБДУЛЛАЕВ.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти куни олдидан

КИЕВ, 18 февраль. (ТАСС). Совет Украинаси пойтахтининг меҳнаткашлари Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 39 йиллигини кенг равишда нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдалар. Корхоналарда, қурилишларда, муассасаларда ва ўқув юртларида доклад ва суҳбатлар ўтказилмоқда, шуҳрат қозонган фронтчи-жангчилар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Кеча Офицерлар округ уйида Совет Қуролли Кучларининг жанговар шуҳрати кечаси бўлди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан Горюнов ва Сиченко ўртоқлар, Чапаев дивизиясининг собиқ жангчиси ўртоқ Кривнов ва Ватан уруши йилларида Киев областида ҳаракат қилган партизанлар қўшилмасининг собиқ комиссари ўртоқ Ломака сўзладилар.

Офицерлар уйида Совет Армиясининг шонли тарихига бағишланган виставка очилди.

Мустамлака мамлакатларнинг халқлари ўз мустақиллиги учун курашмоқда

Эртага бутун прогрессив инсоният мустамлакачилик режимига қарши Халқаро кураш кунини нишонлайди.

Мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқлари ўз золимларига қарши, озодлик ва миллий мустақиллик учун асрлар давомида курашиб келдилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қудратли таъсири остида бу курашда қатъий бурилиш содир бўлди. Октябрь революцияси чор Россиясида ижтимоий зулм, мустамлака қарамлиги ва миллий зулм занжирларини парчалаб ташлаб, мамлакатимизнинг илгари эзилиб келган халқларига иқтисодий ва маданий қолоқликни тугатиш имкониятини берди ҳамда уларнинг социалистик тараққиёт йўлига ўтиб олишларини таъминлади. Октябрь революциясининг намунаси мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларига ўз озодликлари учун кураш йўлларини ва воситаларини кўрсатиб берди, миллий озодлик ҳаракатини мислсиз даражада авж олдириб юборди.

Улуғ Ватан урушида Совет Иттифоқининг ғалаба қозонганлиги, улуғ хитой революциясининг ғалабаси, социализмнинг жаҳон системасига айланганлиги миллий озодлик курашининг янада қудратли юксалишига ёрдам берди, империализм мустамлакачилик системасининг емирилишини тезлаштирди. Эндиликда ғарб давлатларининг мустамлака империялари кўз олдимизда емирилиб кетмоқда ҳамда Осиё ва Африканинг жуда кенг бағрида ёш, мустақил давлатлар қарор топмоқда. Сўнгги ўн йил мобайнида 1,25 миллиардга яқин аҳоли, яъни ер юзи аҳолисининг қарийб ярми мустамлака қарамлигидан озод бўлди ҳамда мустақил миллий тараққиёт йўлига ўтиб олди. 600 миллионли хитой халқи империалистлар ва ички реакциянинг бирлашган кучларини тор-мор келтирди, халқ демократик давлатини барпо қилди ҳамда ўз мамлакатида муваффақият билан социализм қурмоқда. Шимолий Вьетнам ва Шимолий Корея халқлари ҳам халқ демократияси ва социализм йўлига ўтиб олдилар.

Ўтмишда мустамлака ва ярим мустамлака бўлиб келган Ҳиндистон, Бирма, Индонезия, Сурия, Миср, Ливан, Судан, Тунис, Марокаш ва бошқа бир қанча мамлакатлар қатъий кураш натижасида мустақил суверен давлатлар бўлиб қолдилар. Ҳозир бу мамлакатларнинг халқлари ўз миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ўз саноатини барпо қилиш, техника интеллигенциясини етиштириш, миллий маданиятни ривожлантириш учун курашмоқдалар.

Бу мамлакатлар мустақил миллий экономикани барпо қилиш ҳамда ўз халқларининг турмуш даражасини ошириш учун жаҳон социалистик системасининг ютуқларидан фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Улар ҳозирги замон ускуналарини сўраб, ўзларининг собиқ золимларига ёлбормасалар ҳам бўлади; улар бундай ускуналарни социализм мамлакатларидан олишлари мумкин ва олмоқдалар. Бунинг учун улар сиёсий ёки ҳарбий характердаги бирорта мажбуриятни ўз зиммаларига олмайдилар.

Суверен давлатлар статутига эришган ҳамда ўзларини ғарб давлатларининг иқтисодий «ёрдамига» ва ҳарбий блокларига боғлиқ қилиб қўйган мамлакатлар эса аксинча ўз мустақилликларини йўқотиш хавфи олдида турипти лар.

Миллий озодлик ҳаракатининг ютуқлари империалистик давлатларнинг агрессив кучларига қарши курашаётган тинчлик кучларининг ўсишига ва мустаҳкамланишига ёрдам бермоқда. Осиё ва Африканинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлган кўпгина мамлакатлари, дастлаб, улуғ Ҳиндистон давлати тинчлик сиёсатига қаттиқ туриб амал қилмоқдалар.

Яқинда Араб шарқида бўлиб ўтган воқиалар халқларнинг миллий озодлик ҳаракати тинчлик учун бутун жаҳон кураши билан узвий равишда боғлиқ эканлигини яна бир марта тасдиқлади. Миср халқининг ҳамда бошқа ҳамма араб халқларининг инглиз-француз-исроил агрессиясига қарши курашда ғалаба қозонганлиги бу мамлакатларнинг мустақиллигини мустаҳкамлабгина қолмай, шу билан бирга бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашга ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Яқин Ўтмишда Осиё тўғрисида гап борганда бутунлай ҳуқуқсизлик ва зулм манзараси намоён бўлар эди. Эндиликда Осиёнинг аҳволи тубдан ўзгариб кетди. Осиёнинг кўпчилик халқлари мустамлакачиларнинг зулмидан озод бўлди.

Миллий озодлик кураши Африкада ҳам тўхтовсиз авж олиб бормоқда. Яқингинада, иккинчи жаҳон урушига қадар, Африка қитъаси мустамлакачилик ҳукм сурган энг «осойишта» райони эди. Бизнинг давримизда қарийб бутун Африка, яъни **200 миллиондан кўпроқ аҳолига эга бўлган бир қитъа** миллий озодлик ҳаракати билан қопланганлиги. Африканинг энг олис бурчаклари ҳам мустамлакачилар тинчгина ҳукмронлик қиладиган зона бўлмай қолди.

1957 йил марта Англия мустамлакаси бўлган **Олтин Қирғоқ** (Ган) расмий равишда мустақил деб эълон қилинади. Бу мамлакатнинг халқ оммаси ўз озодлиги учун узоқ вақтдан берли қаттиқ курашиб келмоқда. Инглиз мустамлакачилари Олтин Қирғоқ халқининг озодлик ҳаракатини қонга ботиришга кўп марта уриниб кўрдилар, бироқ ҳар қандай жазо чоралари ҳам бу мамлакат халқининг мустақиллик йўлидаги интилишларини синдира олмади. Мустамлакачилар ён беришга мажбур бўлдилар.

Жазоир халқи ҳам ўз мамлакатининг мустақиллиги учун оғир ва қаттиқ кураш олиб бормоқда. Француз мустамлакачилари бу араб мамлакатининг энг яхши ерларини босиб олдилар, конлар ва темир йўлларга, банклар ва энг йирик саноат корхоналарига эгалик қилмоқдалар. Империалистлар жазоир ишчиларини қандай шафқатсизлик билан эксплуатация қилаётганликларини қуйидаги бир фактдан билиб олиш мумкин. Темир конларига эгалик қилаётган Уенза тоғ жамияти 1956 йилда 9 миллиард франк соф фойда олди, шу вақт ичида ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тариқасида 330 миллион франк тўланди. Жазоир деҳқонларининг аҳволи ҳам аянчлидир. Расмий маълумотларга қараганда, 1954 йилда ер-сиз ва кам ерли деҳқонлар Жазоирда 3 миллион киши бўлган. Жазоир халқи ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Француз мустамлакачилари мустамлака зулмига асло рози бўлмаётган жазоирликларнинг миллий озодлик курашини бўғиб ташлашга уруниб, ваҳшиёна жазо чораларини қўлламоқдалар. Жазоирда кўп минглаб кишилар қамоққа олиниб, юзлаб кишилар устидан ўлим ҳукмлари чиқарилгандир. Бироқ буларнинг ҳаммаси жазоир халқининг империалистларга қарши нафратини кучайтирди, уни ҳаққоний иш учун кураш йўлида чиниқтирди ва бирлаштирди, холос.

Француз империалистлари Жазоирда уруш чиқардилар. Бу урушда ярим миллионга яқин француз солдатлари қатнашмоқда. Бу уруш айниқса Осиё ва Африка халқлари назарида Франциянинг халқаро обрўсини туширмоқда, ҳар йили бир миллиардлан кўпроқ франк маблағ исроф қилиб француз экономикасига жуда катта путур етказмоқда. Жазоирдаги уруш қанчалик узоқ чўзилган сари унинг француз мустамлакачилари учун фойда келтирмаслиги шунчалик кўпроқ равшан бўлиб қолмоқда. Бутун жазоир халқи ўз миллий озодлик армиясини қизғин қўллаб қувватламоқда.

Кения халқи инглиз мустамлакачиларига қарши мардларча курашмоқда. Бу халқ европаликлар босиб олган, лекин фойдаланмаётган ерларни африкаликларга беришни, ҳамда уларга мамлакатни бошқаришда европаликлар билан умумий асосларда қатнашиш ҳуқуқи беришни талаб қилмоқда. Англия қонли террор ёрдами билан Кениядаги мустамлака тартибларини сақлаб қолишга уринмоқда. 1952 йилдан бошлаб мустамлакачилар бу мамлакатдаги 165 мингдан кўпроқ африкаликни қамоққа олдилар. Бироқ террор халқининг миллий мустақиллик йўлидаги иродасини синдира олмади; халқ «Кения африкаликлари иттифоқи» раҳбарлиги остида миллий-озодлик курашини тинмай давом эттирмоқда.

Камерунда миллий озодлик учун кураш анча активлашди. 1955 йил майда Франция империалистлари Камерунинг бўйсинмас халқини «тинчитиш»га уриниб, бу халқдан ваҳшиёна ўч олди. Мустамлакачилик зулмига қарши ўз норозилигини стачка кураши билан ифода қилмоқчи бўлганлиги учун француз қўшинлари қуролсиз халқдан уч кун давомида ўч олдилар. Қарбий самолётлар пастлаб учиб пулеметлардан аҳолини ўққа тутди. «Камерун халқлари иттифоқи», касаба союзлари конференцияси, демократик ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотларининг раҳбарлари қамоққа олиндилар ва жазоландилар. Мустамлакачилар Камерун халқининг миллий озодлик ҳаракатини шундай қилиб тугатиш ниятида эдилар. Бироқ улар қаттиқ янглишдилар. Камерун халқи курашни тўхтатмади. «Бирлашиш ва мустақиллик учун!» деган шиор остида бу мамлакат аҳолисининг жуда кенг табақалари бирлашмоқда. Халқ оммасининг қатъий ҳаракатлари туфайли кўпгина ватанпарварлар ва касаба союз активлари 1956 йилда қамоқдан бўшатилди. Яқинда «Миллий иттифоқ» деган ягона фронт вужудга келди. Бу фронтга турли эътиқоддаги, миллий сиёсий партиялардаги кишилар бирлашдилар. Улар Камерунинг миллий мустақиллиги учун курашмоқдалар.

Мадагаскар, Нигерия ва бошқа африка мамлакатларининг халқлари ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашга тобора активроқ киришмоқда.

Сўнгги вақтларда Латин Америкаси халқларининг ўз мустақиллиги учун кураши кучайди. **Бразилияда** мамлакатнинг Америка империалистлари томонидан таланишига қарши кураш тобора кенгроқ кўлам олмоқда. Темир йўлчилар давлат темир йўлларининг Америка монополияларига ҳукмронлигига қарашли аксионер жамиятларга берилишига қарши бўлиб чиқмоқдалар. «Петробраз» давлат нефть компаниясининг тузилганлиги Америка монополияларига қарши курашда Бразилия халқи эришган ғалаба бўлди. **Чили** халқи тинчлик, демократик эркинликлар ва миллий мустақиллик учун қатъий кураш олиб бормоқда. Мамлакатда коммунистик, социалистик, демократик партияларни ва меҳнат партиясини бирлаштирувчи халқ миллий фронти тузилди. Чили ишчилар синфи мамлакат меҳнаткашларининг ягона касаба союз марказини вужудга келтириб, касаба союзларнинг бирлашувига эришди. Бу касаба союз маркази демократик эркинликларни ҳимоя қилмоқда, миллий экономикани мустаҳкамлаш учун, социалистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш учун АҚШ билан ҳарбий пакт тузилишига қарши курашмоқда. **Уругвайда** империализмга қарши кураш авж олмоқда. Мамлакатнинг миллий мустақиллигини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун ўтказидаётган кўп сонли стачкалар, намойишлар, митинглар, йиғилишлар ана шундан дарак беради.

Кўпгина мамлакатларда ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция ва миллий буржуазиянинг турли табақаларидан бўлган ватанпарвар кучлар бирлашмасидан иборат ягона миллий фронт вужудга келганлиги ёки вужудга келаётганлиги халқлар миллий озодлик курашининг ҳозирги босқичини характерловчи фактдир.

Мустамлака мамлакатлардаги озодлик ҳаракатининг ҳал қилувчи кучи ишчилар синфи ҳамда миллий озодлик учун тобора ижчилик билан курашаётган барча меҳнаткашлар оммасидир. Яқин Шарқда ишчилар ҳаракатининг ривожланиб борганлиги Миср, Сурия, Ливан, Иордания, Ливия касаба союзларини бирлаштирган араб меҳнаткашлари касаба союзлари федерациясининг тузилишига олиб келди. Бу касаба союз бирлашмаси араб мамлакатларининг миллий мустақиллиги ва меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий талаблари учун курашмоқда.

Африкада ишчилар синфининг роли кучайиб бораётганлиги Англия мустамлакаларидаги касаба союз ташкилотларининг мустаҳкамланишида, Марокашда ягона касаба союз маркази тузилганлигида, Француз Ғарбий ва Экваториал Африкасининг кўп касаба союз ташкилотларини бирлаштирувчи йирик ва мустақил касаба союз марказини тузишга ҳозирлик кўрилаётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Коммунистик партиялар раҳбарлиги остида мустамлака мамлакатларнинг ишчилар синфи империалистларга қарши умуммиллий кураш фронти барпо қилишга ҳаракат қилмоқда ва бу йўлда жиддий муваффақиятларга эришди.

Империалистик доиралар мустамлака системасининг тўхтовсиз давом этаётган емирилиш процессини тўхтатиб қолиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Урушдан сўнгги даврда мустамлака ва қарам мамлакатларга «ёрдам» бериш тўғрисидаги жуда кўп проектларнинг юзага келганлигига худди ана шу ҳол сабаб бўлмоқда. «Ёрдам» бериш байроғи остида СЕАТО, Боғдод пакти ва бошқа шунга ўхшаш турли агрессив қарбий-сиёсий блоклар тузилмоқда. Амалда бу ҳарбий иттифоқлар Осиё халқларининг миллий-озодлик ҳаракатига ва социалистик лагерь мамлакатларига қарши қаратилгандир.

Мустамлакачилар топган энг сўнгги янглиги Америка Қўшма Штатлари томонидан олға сурилган ва «Эйзенхауэр доктринаси» деб аталган доктринадир. Маълумки, президент Эйзенхауэр Яқин ва Ўрта Шарқда турган АҚШ қуролли кучларидан ўзи ҳоҳлаган ва зарур топган вақтда фойдаланишга рухсат беришни конгрессдан талаб қилди. У, шунингдек бу райондаги мамлакатларга қарбий ва иқтисодий «ёрдам» беришни ҳам таклиф қилди. Америка империалистлари араб мамлакатларини қандай ёрдам олишга мажбур қилмоқчи бўлаётганликларини қуйидаги фактдан билиб олиш мумкин. 1955 йилда Америка ва Англия нефть монополиялари Яқин Шарқ мамлакатларидан 150 миллион тонна нефть олдилар, араб меҳнаткашларини эксплуатация қилиб, 1,9 миллиард доллар фойда кўрдилар. «Эйзенхауэр доктринаси»га мувофиқ АҚШ бу мамлакатларга 200 миллион доллар миқдорида... «ёрдам» бермоқчи. Янги америкача программанинг мустамлакачилик характери равшан кўриниб турипти: Англия ва Франция Миср ва Сурия ҳалқларига қарши қилган агрессияларида мағлубиятга учраганларидан сўнг Америка империализми уларнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги ўрнини эгаллаб олишга ҳаракат қилмоқда. Америка империализми айни вақтда миллий мустақиллик йўлидаги ҳаракатни бостириш ва бу райондаги халқларни асоратга солишни мўлжалламоқда.

Бироқ империализм Шарқ халқларининг тарихий тараққиётини орқага бурриб юбора олмайди. Араб мамлакатларидаги озодлик ҳаракатининг жуда юксалганлиги, агрессорларнинг Миср ва Сурия ҳалқларига қарши урушда мағлубиятга учраганлиги ҳалқлар мустамлакачиликни абадий тугатиш учун кун сайин кўпроқ қатъият билан курашаётганликларини кўрсатади.

Империалистлар мустамлака системасининг емирилишини тўхтатиб қола олмайдилар. Бу, қонуний ва тўхтатиб бўлмайдиган процессдир, бу процессни тўхтатиб қоладиган куч дунёда йўқ.

В. ФЕДИНИН.

ПИСКЕНТ РАЙОНИДА

ҚИЗИЛ ЧОЙХОНА ВА ЛИМОНАД ЦЕХИ

Район матлубот жамияти меҳнаткашларга маиший хизматни яхшилаш тадбирларини кўрмоқда. Район марказида бир неча хонали иккита янги бино қурилаётир. Биноларнинг бири қизил чойхона учун белгиланган, иккинчисида лимонад ишлайдиган цех очилади.

ЖАМОАТ БИНОЛАРИ

Район колхоз-қишлоқ қурилиши бўлими ўтган йилни анча дуруст якунлади. Калинин номли колхозда катта сигирхона қурилиб, автопоилка ўрнатилди. МТС молхонани электрлаштиришга ёрдам бермоқда. Ленин номли, Молотов номли, Сталин номли колхозларда типовой чўчқахона, товуқхона қурилди. Тўртта тахта тиладиган станок ишга туширилди. «XIX партсъезд» колхозининг яйловида қамиш плитасидан қурилган 800 қўй сиғадиган ёпиқ қўтон фойдаланишга топширилди.

ЕР ОСТИ СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕНГАЙМОҚДА

Оқтепа қишлоқ советидаги Карл Маркс номли, Киров номли ва Охунбобоев номли колхозларнинг аъзолари, айниқса, қиш фаслида сувдан жуда қийналар эдилар. Бу қийинчилик бартараф қилинди. Ҳар уччала колхозда қудуқ қазилиб, ер ости сувидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Қудуқлар зарур асбоблар билан жиҳозланган. Бошқа колхозларда ҳам қудуқ қазиб, ер ости сувларидан фойдаланиш кенг кўламда қўлланилмоқда.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Маданият хроникаси

Верхне-волинск районидаги 1 ва 11- ўрта мактабларда политехника таълими жорий қилинган. Ўқувчилар дарсда олган билимларини ишлаб чиқариш корхоналарига, МТС-ларга, электр станциясига экскурсияларга бориб мустаҳкамламоқдалар. Бу мактабларда токарлик устахонаси, тажриба участкаси, биология, физика кабинетлари ишлаб турибди.

Я. Мўминов,
А. Қосимов,
А. Кўчаров.

* * *

Сирдарё. Райондаги Тарас Шевченко номли колхоз клубида район интеллигенциясининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда район партия комитетининг секретари Ўртоқ Ермошкин «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съезднинг тарихий қарорлари ва Сирдарё район интеллигенциясининг вазифалари» деган темада доклад қилди. Кенгашда «Қизил юлдуз» газетасининг редактори Яҳёев, врач Саблев, электростанция бошлиғи Некрасов, 1-МТС бош агрономи Раҳматуллин ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

А. Йўлчиев.

* * *

Бекободдаги цемент заводининг поликлиникаси аҳолига медицина хизматини тобора яхшиламоқда. Поликлиникадаги терапевтика, тиш-протезлаш, хирургия, рентгент кабинетлари мунтазам равишда ишлаб турипти. Яқинда поликлиникада физика-терапевтика кабинети ишга тушди.

А. Павленко.

Сермазмун ўтган 45 йил

Суратда: К. К. Жукова собиқ ўқувчилари орасида.
Р. Исаев фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Клавдия Константиновнанинг атрофини гоят меҳрибон, шод дўстлари қуршаган. Ҳамкасби, устози, кекса дўстига бўлган меҳрини ҳар ким бирор гап билан ифодалашга тиришади. Баъзилар юбилярга совғалар кўтариб келишган, баъзилар юракда сақланган самимий тилакларини изҳор қилишади.

Йиғилганлар орасида кекса ўқитувчи билан узоқ йиллар бирга ишлаган ҳамкасблари, унинг тарбиясини олган ўқувчилари билан бирга, мактаб остонасига кечагина оёқ қўйган ёш ўқитувчи-шогирдлари ҳам бор. Булар ҳам Клавдия Константиновна Жукованинг тажрибаси, билимидан баҳраманд бўлганлар. Унинг қўлида ўқиб тарбияланган, ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётганлар ҳам меҳрибон ўқитувчиларининг юбилейига қатнашиш учун меҳмон бўлиб келишган.

Ўқитувчилик соҳасида иш бошлаганига 45 йил тўлган кун нишонланаётган ана шу соатда Клавдия Константиновнанинг кўз олдидан аввал Байрамалида, сўнг Қизил Арватда ўтган кунлари, дастлабки иш соатларининг лавҳалари жонланди. Эндигина ўқитувчиликни бошлаган ёш қиз олдида катта-катта машаққатлар турарди. Лекин секин-аста у ўз олдида турган қийинчиликларни енга борди. Ўқувчиларга ўрганиб қолди, ўз билимини уларга бериш санъатини эгаллаб берди.

Октябрь революциясидан сўнг кўплаб меҳнаткашлар қатори Ўртоқ Жукова олдида ҳам янги, порлоқ истиқбол манзилига йўл очилди. Ғайратли, иродали Клавдия ўз билимини, тажрибасини социализм қурувчи авлодни тарбиялашга бера бошлади. У, Қўқондаги темир йўлчилар тайёрлаш мактабида, меҳрибон Тошкентдаги яҳудий миллатларини ўқитадиган мактабда ишлади.

1929 йилдан у ҳозирги 45-ўрта мактабда ишлай бошлади. Клавдия Константиновна шу мактабда 28 йилдан буён ишлаб келади.

Ҳозир республикамиз халқ хўжалигига назар ташлар эканмиз, Клавдия Константиновна қўлида ўқиб, унинг тарбиясида ўсиб етишган кўпгина кишиларни кўрамиз. Улар республикамизнинг иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган фидокор совет кишилари бўлиб етишганлар.

Партия ва ҳукуматимиз бу ўқитувчининг ишларини юксак баҳолади. К. К. Жукова Ленин ордени билан, «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Клавдия Константиновна ҳозир пенсионер. У балдалат, хотиржам, қувноқ ҳаёт кечирмоқда.

Клавдия Константиновнанинг қўлида ўқиб, унинг билимидан баҳраманд бўлган кишилар республикамиз хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб турипти лар. Улар фидокорона меҳнатлари билан халқимиз турмушининг фаровонлигини ошириш ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш соҳасида катта-катта ишлар қилмоқдалар. Булар орасида медицина фанлари кандидатлари Аҳмаджонов ва Исматуллаевларни, геология фанлари кандидати Восил Қобиловни, филология фанлари кандидатлари Шокирхон Афзалов, Исоқ Рихсиев, Қобил Мелиевларни, юридик фанлари кандидати Анвар Аъзамхўжаевни, иқтисодий фанлар кандидати Муҳитдин Зайниддинов республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар, юзлаб маориф ходимлари, варачларни кўриш мумкин.

Бу кекса ўқитувчи ўзининг педагоглик тарихини ўйлар экан, кўнгли севинчларга тўлади. Чунки рўпарадаги ёш қалблар, навқирон чеҳралар, ялиқ, меҳрибон кўзларда ўз ёшлигини, ўз шижоатини, ўз умидларини яққол кўргандек бўлади. кексалиги тамоман унутилгандек кўринади. Чунки унинг 45 йиллик фаолияти гоят мазмунли, сермаҳсул ўтди.

А. МУЛЛАМУҲАМЕДОВ.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДА

ЯНГИ УЙЛАРГА КУЧИБ КИРДИЛАР

Янгийўлдаги 2-экскаватор участкасида якка тартибда уй-жой қурилиши ишларига катта эътибор берилмоқда. Уй-жой қуришни истаган ишчиларга ссуда, тахта-ёғоч, ғишт черепица ва бошқа бинокорлик материалларидан ёрдам берилди.

Ўтган йили участкадаги 28 ишчи уй-жой қуриб олди. Бунинг натижасида Экскаваторная кўчаси бунёдга келди. Янги уй-жой қуриб олганлар орасида старший машинистлардан Тимофей Курмишев, Абдулла Газизов, Федор Ереза, машинистлардан Юнусов, Митюшкин ва бошқа ўртоқлар бор.

ШАХСИЙ КУТУБХОНАЛАР

«Узбеккниготорг»нинг Янгийўлдаги магазини доим гавжум бўлади. 10-вино заводининг механиги ўртоқ Гришаев ҳам бу ерда тез-тез бўлиб туради. У, магазинга янги келган бадиий адабиётлардан сотиб олиб, ўз кутубхонасини бойитиб бормоқда. Ҳозир Гришаевнинг кутубхонасида Катаев, Маяковский, Шолохов, Майн-Рид каби ёзувчиларнинг кўптомлик асарлари бор. 1957 йилда у Иван Франко, Мариэтта Шагинян, Иван Вазовларнинг кўптомлик асарларига обуна бўлди.

Медсестра Саломова ҳам китобни севучилардан. У, Чехов ва Жюль Верларнинг асарларига обуна бўлган. Шунингдек, ўқитувчилардан Шей, Воронкова, Ливицкая сингари жуда кўп ўртоқлар ҳам янги китобларга ёзилмоқдалар. Магазинда кўптомлик китобга ёзилганларнинг сони 700 дан ошиб кетди.

ДУСТЛИК ХАТЛАРИ

Яқинда Янгийўлдаги 4- мактабнинг 8-синф ўқувчиси Салтанат Аширхўжаева халқаро почтанинг штампи босилган бир хат олди. Бу хат Хитой Халқ Республикасида яшовчи уйғур қизи Ибодат Сулаймоновадан келган эди. Хитойлик мактаб ўқувчиси ўз хатида қуйидагиларни ёзган эди:

«Биз бахтиёр мамлакатда яшамоқдамиз. Болаларнинг ҳаммаси ўқиш имкониятига эга. Мен шу кунда яна бир нарсадан жуда ҳам қувондим. Яқинда мени ёшларнинг янги демократик союзига қабул қилишди. Мени пионервожатий этиб тайинлашди. Бу йил мен Совет Иттифоқида бўлишни орзу қиламан. Ҳамма ўқувчиларга ўқишда муваффақият тилайман».

Ибодат хитой манзаралари акс этган бир неча открытка ҳам юборган эди.

Салтанат бу хатни ўзи билан ўқиётган синфдошларига ўқиб берди. Улар билан биргаликда жавоб ёзди. Янгийўллик ўқувчилар ўз ишлари, ўқишлари ҳақида батафсил гапирдилар. Жумладан, улар ўтган йили «оқ олтин» теришда қатнашганликларини, ҳар бир ўқувчининг 1000 килограммдан пахта териб берганлигини, шунингдек улар қишлик каникулни хушчақчақ ўтказганликларини, янги куч ва ғайрат билан учинчи чорак ўқишларини бошлаб юборганликларини хабар қилдилар.

Бу ёзишмалар ўзбек ва хитой ўқувчилари ўртасидаги дўстона алоқани кучайтиришга хизмат қилмоқда.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДОНГДОР КОМАНДИРЛАРИ

Табриклайман, дўстим!

Мен Орифжон Муҳамедовни кўпдан бери биламан. У ҳам, мен ҳам Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводида ишлаймиз. Касбимиз бошқа-бошқа бўлса ҳам бир-биримиз билан тез-тез учрашиб турамиз. У, ҳозир ремонт-комплектлаш цехида смена мастери. Янглишмасам, Орифжон шу вазифада ўн йилдан кўпроқ ишлаб келаётир. У билан бунчалик яқинлигимнинг боиси шуки, Орифжон газетамизнинг актив ишчи мухбирларидан бири ҳисобланади. «Қизилшарқчилар гудоги» газетасига у ўзининг иш тажрибалари, участкадаги илғорлар, шунингдек ишга халақит бераётган нуқсонлар тўғрисида мақола ва ҳабарлар ёзиб туради.

Орифжоннинг завод даргоҳига биринчи марта қадам қўйганига роса 23 йил бўлибди. Унинг қирчиллама йигитлик чоғлари аллақачонлар ўтиб кетган бўлса ҳам лекин сочсоқолига ҳали оқ оралаганича йўқ. Унинг қалди тиқ, қалин қошлари остидаги қора кўзларининг нури ҳали ўткир.

Орифжон Муҳамедовни корхонада ганимаган ишчи йўқ. Агар сиз ремонт-комплектлаш цехига кириб, уни сўрасангиз, бу ердагилар унинг ўзинигина эмас, ҳатто бола-чақалари, у бошлиқ участка аъзоларининг номларини ҳам бирма-бир айтиб берадилар.

Орифжондаги энг яхши хислатлардан бири шуки, у жуда ҳам камтарин, катта-кичикка баббаравар. Шунинг учун уни корхонадагиларнинг барчаси ҳурмат қилади. Орифжон ўзидан кўра кўпроқ бошқа кишилар, унинг тили билан айтганда «кўп яхши одам»лар тўғрисида гапиришни ёқтиради...

Келинг, гапнинг сарасини айтиб қўя қолай. Яқинда Орифжон олий мукофот—Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Бу хушхабар бутун заводга бир зумда тарқалди. Мен ҳам дўстимнинг шундай мукофот билан тақдирланганини эшитиб, беҳад қувондим ва уни табриклаш учун цехга бордим.

Цехда иш авжига чиққан пайт. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Орифжон цех бурчагида жойлашган стол олдида илғор слесарлар бригадасининг бошлиғи Седих (мен уни яхши ганийман) билан нималар тўғрисидадир гаплашаётган экан.

Участка мастерининг йўғон товуши баралла эшитилди. Унинг юзида енгил қувонч аломатлари сезилиб турарди.

— Ўртоқ Седих, кечаги ишимизнинг якуни ёмон эмас. 105 процентга етказибмиз. Лекин бундан ҳам дурустроқ ишлашимиз, яхши натижаларга эришишимиз мумкин эди. Мана нарядни олинг. Сизнинг бригадангиз 3126 ва 172702 номерли паровозларнинг кулис механизмларини ремонт қилиши ва қолган пайвандлаш ишларини ҳам шу бугун тугатиши керак. Ишингизга муваффақият тилайман. Ҳа, айтгандек, унутаёзибман, Василий Федорович, Короткова ҳам айтинг, наряднн олиб кетсин. У 7029 ва 173531 номерли паровозларнинг залетникларини ремонт қилиши ва уларни йиғиши зарур...

У мен билан самимий саломлашгач, гапира кетди.

— Хўш, нима гап, бирорта хабар ёзгани келгандирсан. Уз вақтида келибсан, дўстим. Кеча Алексей Қим нормани уч ҳисса бажарди. Ишда брак йўқ. Нарёгини ўзинг тўғрилайсан. Ўзи билан гаплашсанг ҳам бўлади. Бу битта хабар. Иккинчиси— ўтган IV кварталда пича, ёзмасанг ҳам бўлади, ўн бир минг сўм маблағ тежаган эдик. Шу маблағ ҳисобидан новатор ишчиларга 200 сўмдан мукофот ҳам бердик. Седих бригадасини алоҳида кўрсат. Натижалари яхши... Яна нимани айтсам экан сенга-а?

— Орден билан мукофотлаганингни... — қўшиб қўйдим мен ҳазиллашиб.

— Орденни бир мен олганим йўқку. Республикамизда 16 мингга яқин киши орден ва медаль олди.

— Гапингни оғзингдан олдим, Ориф, аммо лекин иш деган жойда ҳамма нарсани унутиб юборадиган бўлибсан. Мен бу ерга сени табриклагани келганман. Хабар ёзиш бир гап бўлар, ахир, — дедим унга.

— Раҳмат, дўстим. Лекин мендан кўнглинг қолмасин. Шеърларда айтишади-ку, «Кўнглинг қолса мендан, хафа бўламан сендан...». Иш маҳалида келганингдан сўнг, иш ҳақида гаплашамиз-да.

Кула-кула цехни кездик. Ташқаридан келаётган паровоз овозлари эшитилиб турибди. Моҳир мастернинг кўзлари бу ерда ишлаётган ишчилардан бир зум ҳам айримасди. У слесарларнинг қандай ишлаётганлигини зимдан текширар, айрим деталларни қўлига олиб, циркуль билан ўлчаб кўрар эди. Сменада иш тугашига оз вақт қолган бўлса ҳам цехдаги ишчилар зўр ғайрат билан меҳнат қиляптилар.

Орифжон Муҳамедов бошлиқ бу участка ишчилари йил бўйи ана шундай ғайрат ва фидокорлик кўрсатиб ишладилар. Улар ўтган йил олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар ва қўшимча равишда 3 та паровозга запас қисмлар тайёрлаб бердилар. Ҳозир улар 1957 йил программасини ҳам муваффақиятли бажариш учун курашмоқдалар.

Участка мастерининг ишбилармонлиги, меҳнатни тўғри ташкил этга олиши ремонт-комплектлаш цехини корхонадаги энг илғор цех даражасига кўтарди. Орифжон Муҳамедов ҳар доим ишчиларнинг иссиқ ва ҳоҳишларига қулоқ солади, ҳар қандай катта-кичик масалани ҳал қилишдан аввал улар билан маслаҳатлашади.

«Кенгашли тўй бузилмас» дейдилар. Бу — ҳақ гап. Орифжон ана шу ҳикматли сўзларни ҳар доим ёдида сақлайди. Шунинг учун ҳам у цех ишчиларининг жони-дили.

Олий мукофотга лойиқсан, дўстим. Сени чин қалбимдан табриклайман.

Ж. МАҲМУДОВ,
Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводида чиқадиган «Қизилшарқчилар гудоги» газетасининг редактори.

Сайлов олди агитациясини ҳар тарафлама кучайтирайлик!

КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ

Суратларда. (чапдан): меҳнат қашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига кандидатураси кўрсатилган 2-поликлиникининг бош врачи **О. Тешабоева**, автопарк ниг шофери **И. Маҳкамов**, Узбекистон КП Киров район комитети ташкилий бўлимининг мудири **А. Павлова**, электротехника заводи кадрлар бўлимининг бошлиғи **Н. Саидова** ўртоқлар. **В. Салов** фотоси.

Қишлоқ Советининг раиси

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари ўз ораларидан Свердлов қишлоқ советининг раиси Тўхтахон Маҳкамбоевани Тошкент область Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатишди. Ўртоқ Маҳкамбоева кандидатураси 176-Свердлов сайлов округидан овозга қўйиш учун рўйхатга олинди.

Деҳқон оиласида туғилиб ўсган Тўхтахон меҳнат фаолиятини 1930 йиллардаёқ бошлаган эди. У, Қўқонда колхозлар тузишда актив қатнашади, янги ташкил қилинган қишлоқ хўжалик артелларининг мустаҳкамланишига ёрдамлашади. 1932 йилда актив жамоатчи аёл Маҳкамбоева колхоз раиси вазифасига кўтарилади. Партиянинг топшириғига биноан Тўхтахон 1934 йилда Янгийўл районидаги Зангиота (ҳозирги Свердлов номли колхоз қишлоғи) қишлоғига келади ва бу ерда дастлабки «Мусобақа» колхозини тузишга бошчилик қилади. Шу билан бирга, коллектив хўжаликнинг афзалликларини аҳолига тушунтириш, совет тузумига ёт унсурларга қарши кураш соҳасида ҳам катта ташкилотчилик ва тушунтириш ишлари олиб боради.

Тўхтахон Маҳкамбоева 1937 йилда Свердлов қишлоқ советининг раиси, 1939 йилда «Коммунист» колхозининг раиси, 1940 йилда Свердлов сельпосининг раиси, 1941 — 1951 йилларда яна «Коммунист» колхозининг раиси вазифаларида ишлайди. Ҳозир Свердлов қишлоқ советига раислик қилиб турипти. Хуллас, Тўхтахон опа ўзининг онгли ҳаётини қишлоқда колхоз тузумини мустаҳкамлаш, колхозчи деҳқонлар фаровонлигини ошириш, қишлоқни ободонлаштириш ишларини бажаришга бағишлаб келмоқда.

Ўртоқ Маҳкамбоева ўз иш фаолияти даврида актив ва ғайратли коммунист сифатида танилди, Янгийўл район меҳнаткашлари орасида катта обрў ва эътибор қозонди. У ўзи раҳбарлик қилаётган қишлоқ советига қарашли Свердлов номли ва «XIX партсъезд» колхозларида пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашга чинакамига бошчилик қилмоқда. Оммaнинг ғайрат ваташаббуси туфайли Свердлов — Янгийўл районидаги юқори ҳосилли илғор қишлоқ советларидан бирига айланиб қолди.

Социалистик қишлоғимиз йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Ўтган сайловдан бери бу ерда электростанция, радиоузел ва телефон станцияси қурилиб, ишга тушириди. Икки колхоз , 7 та дала шийпони, чорвачилик фермалари учун янги бинолар, кўплаб уй-жой бинолари ва қизил чойхона қад кўтарди. Бундай қурилиш ва ободончилик ишларини бажаришда Ўртоқ Маҳкамбоева бошлиқ қишлоқ совети депутатларининг хизмати каттадир. Партия ва ҳукуматимиз Ўртоқ Маҳкамбоеванинг самарали хизматларини юксак баҳоладилар, СССР Олий Совети Президиуми уни «Ҳурмат белгиси» ордени ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан мукофотлади.

Ўртоқ Тўхтахон Маҳкамбоевага юксак ишонч билдирилиб, унинг кандидатураси область Совети депутатлигига кўрсатилди. Ишончимиз комилки, у, депутат—халқ хизматкори деган шарафли номга муносиб иш қилади. Биз коммунистлар билан партиясизлар блокининг муносиб кандидати Тўхтахон Маҳкамбоевага яқдиллик билан овоз берамиз.

Ғ. ҚУЗИЕВ,
Қ. СОБИРОВ,
176-сайлов округининг сайловчилари.

109 ёшли сайловчи

Агитатор қиз кенг ҳовлидан катта оилали хонадоннинг эшигини асталгина очиб уйга кирди. Бугун бу уй оила аъзолари—71 ёшли Зулфиқор Зокиров ва нуроний бувини йўқлаб келган уларнинг кўпгина ўғил ва қизлари, невара ва чевералар билан гавжум эди. Улар агитатор қизни хурсандлик билан кутиб олдилар. Агитатор ҳамма билан, шу жумладан 109 ёшли нуроний кампир Раъно хола Дониёрова билан ҳам самимий сўрашди:

— Бақуватмисиз буви, мен сайлов ҳақида сизлар билан суҳбат ўтказмоқчиман.

— Ҳа, барака топгин болам, умринг зиёда бўлсин. Янгиликлар ва ўз кўзинг билан бизларни хурсанд қиласан, қани гапир, қизим, гапир, —деди юзида табассум пайдо бўлгани ҳолда Раъно хола.

Қўшнилар ҳам йиғилиб келишгач, агитатор уларни область Советига депутатликка кандидат—шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ И. М. Савиннинг фаолияти ва ҳаёти билан таништирди ва СССР Олий Советининг сессияси ҳақида бирмабир гапириб берди. Йиғилганларнинг ҳаммаси суҳбатдан мамнун бўлдилар.

Кекса сайловчи Раъно хола ўз ўғли ва невараларига, қўшниларига қараб деди:

— Болаларим, ҳозирги сайловлар халқимизга жуда манзур, тўқчилик, тинчлик келтиради, иннайкин халқимиз ичидан чиққан энг яхши ўғил ва қизларимизни сайлар эканмиз, албатта, қувона-қувона овоз берамиз. Илгариги замон сайловлари ўлсин, қамчи-калтак, зўравонлик билан ўтарди, иннайкин қози ва мингбошилар сайланарди, улардан халққа ҳеч фойда йўқ эди. Ҳа, энди ҳукуматимиз шундай ғамхўр, меҳрибонки, у, ахир, халқнинг тинчлигини кўзлаб иш қиляпти-да. Партия ва Ҳукуматимиз ҳамиша омон бўлсин.

Раъно хола ҳозир бутун бир авлоднинг кексаси, маслаҳатчиси бўлиб қолган. Унинг катта ўғли Зулфиқор 71 ёшда бўлиб, унинг тўртта ўғил ва қизи ҳамда 15 та невараси бор. Ўртанча ўғли Султонмаднинг ёши 69 да, унинг ҳам 6 та ўғил ва қизи ҳамда 8 та невараси бор. 50 ёшли қизи Жамолхон Сайдалиеванинг 4 та ўғил ва қизи бўлиб, бир неча невараси ҳам бор. Демак, Раъно холанинг 40 га яқин фарзанд, невара, чевералари бор. Ана шу авлод вакиллари шу кунларда Чирчиқ шаҳридаги корхоналарда, муассасаларда турли касб эгалари бўлиб ишлаётирлар.

Раъно хола ҳали анча тетик. Бу кекса сайловчи 3 март куни халқ вакиллари учун, ўзининг ўғиллари, қизлари, невара ва чевараларининг бахт-саодати учун овоз беришга ошиқмоқда.

Т. УРУНОВ.

Кандидатлар билан учрашув

Яқинда Пискент районининг 1-МТС клубида Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи 99-сайлов округи бўйича область Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилган Ўртоқ Санобар Қаҳҳорова, Пискент район Советига сайлов ўтказувчи 3 ва 10-сайлов округлари бўйича район Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилган Саидаҳмат Саидхўжаев, Павел Степанович Копотун ҳамда Пискент қишлоқ Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилган Рашид Бойматов, Хегай Александр Ўртоқлар ўз сайловчилари билан учрашдилар.

Учрашувда сайловчилар сўзга чиқиб кандидатларга район ободончилигини янада яхшилаш, механизаторларга маданий-маиший шароитларни яхшилаш юзасидан наказлар бердилар ва бу кандидатларни яхши билганликларини, уларнинг ишончини оқлаяжаклари, яқдиллик билан уларга овоз беражакларини айтдилар.

Сўзга чиққан кандидатлардан Қаҳҳорова, Копотун, Бойматов ва Хегай Ўртоқлар бу ишонч учун миннатдорчилик билдирдилар ва халқ ишончига лойиқ ишлашга ваъда бердилар.

Ғ. АҲМЕДОВ.

Камчиликлар тезда бартараф қилинсин

Шу кунларда жойлардаги сайлов участкалари ва агитпунктларда 3 мартда бўладиган маҳаллий Советлар сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Агитаторлар агитпунктларда, сайловчилар хонадонида, клублар ва чойхоналарда турли қизиқарли темаларда суҳбатлар ўтказаётирлар. Тайёргарлик ишининг шу даражада қизиб кетганига қарамай, Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги айрим агитпунктлар ва сайлов участкаларида ҳамон хотиржамлик ҳукм сурмоқда, сайловолди агитация ишлари билан юзаки шуғулланилмоқда.

Каттабоғ кўчасидаги «Октябрь 20 йиллиги» артели биносига жойлашган 213-сайлов участкасида тайёргарлик ишлари шу кунининг талабига жавоб бермайди. Участкага қарашли территорияда 2 мингга яқин сайловчи яшайди. Участка ҳузуридаги агитколлектив рўйхатида эса 50 кишининг номи ёзилган. Аммо бу агитаторлар сайловчилар орасида турли темаларда суҳбат ўтказиш ишлари билан деярлик шуғулланмаётирлар. Улар уй дафтаридан сайловчиларни рўйхатга олиш билангина чегараланадилар. Масалан, Чақарариқ кўчасига бириктилган агитаторлардан Н. Маликова, М. Халимова, Т. Ортиқов, Затлик тупигига бириктилган агитаторлардан В. Кузнецова ва Н. Куликова Ўртоқлар сайловга тайёргарлик бошланган дастлабки кунларда сайловчиларни рўйхатга олганларидан кейин сайловчилар хонадонида камдан-кам бўлмоқдалар.

Юқоридаги каби жиддий камчиликлар шунинг учун содир бўлмоқдаки, сайлов участкаси ва агитпункт раҳбарлари агитаторларнинг фаолиятини назорат қилиб турмайдилар, жойларда агитация ишлари олиб борилаяптими-йўқми, билмайдилар.

Бундан ташқари, ташкилий-техника тайёргарлиги соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Қисқаси, рўйхатга олиш ишлари пала-партиш ташкил қилинганидан участка территориясидаги сайловчилардан 250 киши ҳали ҳам рўйхатга ёзилган эмас.

Юқоридаги каби ҳолларни райондаги 212, 209-сайлов участкаларида ҳам учратиш мумкин. 212-сайлов участкаси жойлашган бино вақтида тозаланмайди, бу ерда радиоприёмник, агитаторлар ва сайловчилар учун зарур бўлган адабиётлар, газета ва журналлар йўқ.

180-сайлов участкасига қарашли 30-агитпунктда «ҳали сайловга анча вақт бор-ку» деган хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Агитпункт ҳузурида сайловчилар маданий дам олиши мумкин бўлган яхшигина хона бор. Унда китоблар, кундалик газета ва журналлар, шахмат-шашка, домино мавжуд. Аммо шуниси ажабланарлики, бу хона сайловчилар келадиган вақтда — кечқурунлари берк бўлади. Агитпунктнинг иш плани ҳам ўйланмасдан, ниридан-бери тузилган. Унда сайловчилар учун совет сайлов системаси, овоз бериш тартиблари ва бошқа сиёсий-оммавий темаларда суҳбат ва лекциялар ўтказиш кўзда тутилмаган.

Маҳаллий Советлар сайловига саноқли кунлар қолмоқда. Шуни назарга олиб, Октябрь район партия комитети ва ижроия комитети сайловга тайёргарлик соҳасидаги камчиликларни тезликда тугатиш чораларини кўриб, агитколлективлар фаолиятини жонлантиришлари ва сайловчилар ўртасида оммавий-агитация ишларини ҳар тарафлама қизитиб юборишлари керак.

А. САЙДАМИНОВ,
Т. РАСУЛОВ,
А. АБДУМАЖИДОВ.

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотининг кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш даври учун

И Ш П Л А Н И

Охунбобоев номли колхоз ўтган йил 1200 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37,2 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш давлат планини 109,6 процент бажарди. Колхозда механизаторлар билан колхозчилар ҳамкорликда ишлаганликлари, колхоз ишлаб чиқаришига илғор агротехника фани ютуқлари ва илғорлар тажрибасини жорий этиш учун кенг кураш олиб борилиши туфайли ана шундай катта ютуқлар қўлга киритилди.

Колхоз аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдилар. Колхоз партия ташкилоти КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш ва республика қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойи иштирокчилари қабул қилган мажбуриятни бажариш учун кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қуйидаги тадбирларни белгилади:

I. ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

Партия ташкилотининг бюро йиғилишларида қуйидаги масалалар муҳокама қилинади:

27 февралда

1. Партия маорифи шохобчаларида машғулотларнинг бориши тўғрисида (пропагандистлардан **Мирзааҳмедов, Танабоев** ўртоқлар).

2. Суғориш шохобчалари, зовур-коллекторларни тозалаш ва шўрхок ерларни ювиш ишларининг бориши тўғрисида (гидротехник **Абуев**, мироб **Кашканбоев** ўртоқлар).

3. Чорва моллари қишловининг аҳволи ва сут соғиш планини бажариш тадбирлари ҳақида (ферма мудири **Бойназаров**, бригада бошлиғи **Саидова** ўртоқлар).

10 мартда

1. Кўклам экиш кампаниясини ўтказиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажаришда комсомол ташкилотининг иштироки тўғрисида (комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ғаниев**).

2. Квадрат-уялаб чигит экиладиган участкаларни инструментал равишда ажратиш тўғрисида (колхоз агрономи ўртоқ **Омороков**).

20 мартда

1. Далага гўнг чиқариш ва чиринди тувакчалар тайёрлаш тўғрисида (**Омороков** ва **Ирисбоев** ўртоқлар).

2. Хотин-қизлар советининг иши ва хотин-қизлар ўртасида ишлашни яхшилаш тадбирлари тўғрисида (ўртоқ **Шойахмедова**).

Партия мажлисида қуйидаги масалалар муҳокама қилинади:

23 февралда

Колхознинг 1957 йилги ишлаб чиқариш плани, маҳсулот единицасини тайёрлаш учун сарфланадиган меҳнатни, пул ҳамда материални камайтириш ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтириб юбориш тўғрисида (колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Маҳкамов**).

15 мартда

Колхознинг кўклам экиш кампаниясига тайёргарлиги тўғрисида очиқ партия мажлиси ўтказилади (колхоз раиси ўртоқ **Убайдуллахўжаев**).

II. ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР

Колхозчилар ўртасида оммавий-агитация ишларини ўтказишни кучайтириш мақсадида агитаторлар коллективини мустаҳкамлаш ва бу ишга 30 агитаторни жалб қилиб, ҳар бир бригадага иккитадан агитатор тайинлаб қўйиш.

Агитаторлар билан ҳар ўн кунда бир марта инструктив машғулотлар ўтказиб турилади.

23 февралда

Колхоздаги барча агитаторлар билан қуйидаги масалалар юзасидан семинар ўтказилади:

Маҳаллий Советларга сайловлар ўтказишга тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказишда агитаторларнинг вазифалари (докладчи агитпункт мудири ўртоқ **Одилов**).

5 мартда

Чигит экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш ва бу ишни муваффақиятли ўтказишда социалистик мусобақани кучайтириш соҳасида агитаторларнинг вазифалари (райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ **Мадаминов**).

15 мартда

Квадрат-уялаб чигит экишнинг иқтисодий жиҳатдан афзаллиги (колхоз агрономи ўртоқ **Омороков**).

25 мартда

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда район, область ва республикамиздаги илғор колхозларнинг тажрибалари (колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Маҳкамов**).

Агитаторлар ёрдами билан колхозчилар ўртасида қуйидаги темаларда суҳбатлар ўтказилади:

а) 20 февралгача — КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаатини тушунтириш;

б) 25 февралгача — республика қишлоқ хўжалик илғорлари XII қурултойи қатнашчилари томонидан 1957 йил учун қабул қилинган мажбуриятни кенг тушунтириш;

в) 1 мартгача — СССР Олий Совети VI сессиясининг халқ хўжалиги плани ва 1957 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қарорлари;

г) 15 мартгача — колхозчиларнинг колхоз ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва артель ишларини бошқаришда актив қатнашишларининг зарурлиги тўғрисида.

Февраль ва март ойларида қуйидаги темаларда лекция ўтказиш зарур деб топилди:

а) Совет сайлов системаси — дунёда энг демократик системадир (район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ **Алжонов**).

б) қишлоқ хўжалик артели Устави — колхоз ҳаётининг асосий қонуни (район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Абдушоҳидов**).

в) 1956 қишлоқ хўжалик йили якунлари ва республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида навбатдаги вазифалар (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Каримов**).

Ҳар ойда бир марта «Мўл ҳосил учун кураш» деворий газетасини ва ҳафтада бир марта бригадаларда «Жанговар варақа»лар чиқариб, уларда илғор колхозчиларнинг тажрибаларини кенг пропаганда қилиш (редактор ўртоқ **Ортиқбоев** ва агитаторлар).

Колхоз клубида ҳафтада икки марта кинокартиналар кўрсатиб туриш (бунга масъул қилиб ўртоқ **Ғаниев**).

III. СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаати, XII қурултой қатнашчилари томонидан қабул қилинган Мажбуриятни бажариш юзасидан социалистик мусобақани ҳар тарафлама кучайтириш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига бошланган мусобақани кенгайтириб, кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўришни ва чигит ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишни қулай агротехника муддатларида ўтказишни таъминлаш. Бу соҳада бошланган социалистик мусобақага бригада, звено, агрегат ва барча колхозчиларни тортиш (бу соҳада масъул кишилар **Маҳкамов, Одилов, Ғаниев** ўртоқлар).

Бригада, звено, агрегатларда мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ҳар 15 кунда социалистик мусобақа якунланади ва унинг натижалари кўрсаткич тахталарига ёзилади, радиода эшиттирилади ва агитаторлар орқали ҳар бир колхозчига билдирилади.

(Бу ишга **Маҳкамов, Одилов, Убайдуллахўжаев** ўртоқлар масъулдирлар).

Колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кенг равишда кучайтириш асосида қуйидаги хўжалик тадбирлари амалга оширилади:

1. Тайёрланган 12 минг тонна ғўнгдан 25 мартгача яна 7 минг тоннаси далага чиқарилади, бунинг учун 53 бричка, 3 автомашина ва 60 колхозчи ажратилади.

(Бу ишга агроном ўртоқ **Омороков** масъулдир).

2. Колхозга 678 тонна минерал ўғит олиб келинади, бунинг учун 3 автомашина, 1 автопогрузчик ва 6 колхозчи ажратилади.

(Бу ишга агрономлардан **Ғаниев, Ширинов** ўртоқлар масъул бўлиб, топшириқ 1 мартда бажарилиши керак).

3. Ҳар бир бригада ва звенода ғўнгхоналар қазилади ва унга ғўнг босилади.

(Бу ишга **Омороков** ва бригада бошлиқлари масъулдир).

4. 2 мартгача уруғлик чигитни сақлаш учун омбор биноси тайёрланади. Чигитни ташиб келиш 10 марта тугалланиб, бунинг учун 2 автомашина ва 6 колхозчи ажратилади.

(Бу ишга агрономлардан **Ғаниев** ва **Ширинов** ўртоқлар масъулдир).

5. Колхозда қишлоқ хўжалик асбоблари ремонт қилиб бўлинган. Культиватор, окучник, борона, бричка, автокачка ва бошқалар ишга лойиқ ҳолда турибди. Қишлоқ хўжалик асбоблари ремонтининг сифатли ва уларнинг дала ишларига тайёрлиги текшириб чиқилади.

(Бу ишга агроном ўртоқ **Омороков** масъул бўлиб, топшириқ 10 мартгача бажарилиши керак).

6. Ғўза туп қалинлигининг нормал ҳолатда бўлишини таъмин этиш зарурлигини эътиборга олиб, чиринди тувакчаларда ғўза кўчатлари етиштирилади ва бунинг учун ИГ-9 машинасида камида 500 минг дона тувакча тайёрланади.

(Бу ишга тажрибали пахтакор ўртоқ **Ирисбоев** масъул).

7. Ҳосилни ошириш ва меҳнатни тежаш мақсадида колхозда 1000 гектар майдонда ғўзани квадрат-уялаб ўстириш планлаштирилган. 500 гектар ерга чигит ўлчов сими тортиб, махсус сеялкада экилади ва 500 гектар ерга қаторлаб экилиб, кейинчалик машина билан қирқилади. Чигит квадрат-уялаб экилган барча майдонларда (1000 гектарда) ғўза 50х50 сантиметр схемаси билан жойлаштирилади. Қолган 200 гектар майдонда ғўза 50 сантиметр ораликда қаторлаб ўстирилади.

8. Чигитни квадрат-уялаб экиб олишни яхши ўтказиш учун 1 мартгача ҳар бир экиш агрегатига 7 киши ҳисобидан 70 кишини ўқитиш ишлари ва шу муддатгача карталарни ўлчов асбоблари билан режалаш ишлари тугалланади.

(Бу ишга агроном ўртоқ **Омороков** масъул).

9. Ерда намни сақлаб қолиш учун эрта кўкламда барча экин майдонлари бороналанади, бунинг учун 100 колхозчи, 4 ҳайдов трактори, 5 чопиқ трактори ва 20 от ажратилади. 180 жуфтланган борона тайёрланади. Бороналаш иши чигит экишдан 4-5 кун олдин тугалланади.

(Бу ишга агроном ўртоқ **Омороков** ва бригада бошлиқлари масъул).

10. 1 мартгача суғориш шохобчалари, коллектор, зовурларни тозалаш тугалланади. Бунда жами 10600 кубометр, шу жумладан районаро аҳамиятга эга бўлган 1200 кубометр, колхозлараро шохобчалар бўйича 4400 кубометр ва колхознинг ички шохобчалари бўйича 5000 кубометр ҳажмидаги иш бажарилади. Ариқ-зовурларни тозалашга 500 киши ажратилади.

(Бу ишга агроном ўртоқ **Омороков**, гидротехник ўртоқ **Абуев** ва мироблар масъул).

11. Барча майдонларда ерлар текисланади. Бунинг учун 600 колхозчи, осма бели бўлган 4 та «универсал» трактори ажратилади.

(Бу ишга агроном ўртоқ **Омороков** ва бригада бошлиқлари масъул).

12. Уруғлик чигитни дорилаш учун ҳар куни 120-150 гектар ерга етадиган чигитни дорилайдиган 2 та пункт ташкил этилади. Чигитни дорилаш ва ташиш учун 50 колхозчи, 24 бричка ва 1 автомашина ажратилади.

(Бу ишга агроном ўртоқ **Ғаниев** масъул).

Юқорида қайд қилинган барча тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши кўклам чигит экишини агротехника жиҳатидан энг қулай муддатларда ўтказиб олишга ва 1957 йилда мўл ҳосил етиштириш учун асос солишга имкон беради.

(План колхоз партия ташкилотининг 1957 йил 16 февралда бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган).

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Юксак мукофот

— Сиз мендан, Мамарайим ака, ўтмишда бир кетмоннинг эгаси бўлган батрак эдингиз, мана 26 йилдан бери шу колхознинг раиси бўлиб ишлаб келмоқдасиз, шу давр ичида бирон йил йўқки, колхозингиз районда планни ортиғи билан бажаришда ҳам, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни оширишда ҳам биринчи ўринни эгалламаган бўлсин. Бу ҳақда ва ўз иш услубингиз тўғрисида қисқача ҳикоя қилиб беринг, деб сўраб қолганингиз учун ҳам гап очилиб қолди, — деб сўз бошладк Мамарайим Юнусов.

Тажрибали пахтакорлар, пахта бир йилда 12 ой меҳнат талаб қилади, деб таърифлайдилар. Бу сўзни ҳечким тилга олмайди-ю, аммо уни ҳар бир пахтакор ўз фикрида, ўз дилида ҳамма вақт такрорлаб юради. Бу унга бир одат тусига кириб қолган. Шунинг учун ҳам ҳар бир колхозда мўл ҳосил тараддуди йил бошидан бошланади. Ер участкаларини биркитиш учун тўпланган бир йиғилишда бригада бошлиқлари орасида тортишув чиқди:

— Мен пахта майдонлари бригадаларга қайта тақсимланишини талаб қиламан. Ўзларингизга маълум, мен адр бағридаги ерни 3 йилдан бери экиб келяпман, энди бошқа бригадир ҳам эксин, — деди 6-бригада бошлиғи Абдураҳим Рустамов. Унинг нима учун бундай деганини тушуна олмай, ҳамма унга қаради.

— Сиз у ер шароитига тобора тушуниб боряпсиз. Бу ўзингиз учун қулай эмасми? — деб сўради агроном.

— Ер шароитини тушуниб боряпсиз дедингиз, бу тўғри. Аммо шу ўтирган ўртоқларимизнинг ҳаммаси ҳам колхозимиз ер шароитини беш бармоқдай биладилар. Улар шу ерда туғилиб ўсганлар-ку, ахир. Ер участкалари қайта биркитилсин, менинг талабим ҳам, истагим ҳам шу.

— Нақотки, бир кишининг истагига қараб иш қилиш мумкин эмаслигини тушунмасангиз...

— Абдураҳим тўғри талабни қўйди. Карталар қайтадан бўлинсин, — деб 9- бригада бошлиғи Қўшоқ Исмоилов ҳам уни қувватлади.

Бу тортишув биринчи қарашда аҳамиятсизроқ бўлиб сезилса ҳам, аммо жони бор эди. Ғўзага қанча сув берсанг, ҳосилга шунча ҳосил қўшаётган июль ойининг жазирама куниларидан бирида Мамарайим ака Рустамовнинг бригадасига борганида, у:

— Келаси йил ҳам Ҳолдор Пўлатов ўша қулоқ бошидаги ерга бригадир бўладиган бўлса, мен бригадирчиликни йиғиштириб қўяқоламан, — деди.

— Нима учун? — деб сўради Мамарайим ака.

— Пўлатов бир суткада 15 гектарни, баз эса 10 гектарни зўрға суғоряпмиз. Ҳарҳолда сувнинг бошидаги ер билан этагидаги ерда анча фарқ бор экан, — деб арз қилган эди.

Биз бу аҳволни кейинчалик бирмунча тартибга солдик, — дейди раис. — Лекин Рустамовнинг ғўзалари Пўлатовнинг ғўзаларига қараганда сувни кечикиброқ ичди. Бунинг ҳосилга таъсири ҳам бўлди.

Шунинг учун ҳам бригада, звено бошлиқлари орасида чинакам ҳамкорлик ўрнатиш, уларнинг ўз участкаларидан кўнгли тўқ бўлишига эришиш айниқса, зарур.

Биз пахта майдонларини бригадаларга биркитмай туриб, ундан олиниши керак бўлган ҳосилни белгилаб оламиз. Бунда ҳар бир бригада, звено бошлиғи ҳолисона ўз фикрини айтади. Сўнг, агар юқоридагидай тортишув, норозилик туғилса, чек ташлаймиз, ҳар ким ўз чекига тушган ерни экади. Ўшанда бирор норозиликка, гина-кудуратга ўрин қолмайди.

Бу ерда яшаётган кишилар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан гўё баҳор фаслини бошлаб берадилар, — деб давом этади сўзида Мамарайим ака. Колхозимиз боғидаги оққизил, сариғ, пуштиранг гуллар хушбўй ҳидларни думоққа уриб эсган майин шабада гўё ўша фидокорона меҳнатни олқишлаётгандек туюлади.

Мана шундай дамларда бизнинг диққат-эътиборимиз боғлардаги энди куртак ёзиб ғунчалай бошлаган ўрик, олмаларнинг нафис гулларида-ю, кафтдай текис, бепоён пахта майдонларида эндигина тупроқ ёриб бўй чўза бошлаган мурғак ғўза тупларида бўлади.

1948 йил кўкламида колхозимиз территориясида шундай дўл ёғиб ўтдики, 200 гектар чамасидаги майдонда ғўза туплари батамом нобуд бўлди. 1953 йилда худди шундай, ғўза найчалари эндигина яккамдуккам нишона кўрсата бошлаганида бирдан ҳаво совуб, температура жуда пасайиб кетади. Шудгорнинг юза қатлами музлаши натижасида унабошлаган чигитларни совуқ чалиб ўтди.

Шундай пайтларда ҳам биз руҳан тушмадик, тобора ғайрат билан ишладик. Бор имкониятларни ишга солиб, керак бўлган майдонларни қайта экдик, баъзи жойларга кўчат қилдик. Ўша йиллари ҳам биз районда биринчиликни қўлдан берган эмасмиз.

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзолари 26 йилдан бери ўзларига раҳбарлик қилиб келаётган, қадрдон раислари Мамарайим Юнусовни партия ва ҳукуматимиз энг олий мукофот — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирлаганини зўр қувонч билан кутиб олдилар.

— Бу мукофот, — дейди Мамарайим аканинг ўзи, — фақат менга эмас, балки бутун колхозга, қолаверса бутун районга берилган мукофотдир.

— Районимизнинг 2- МТС зонасидаги колхозлар ишида тубдан ўзгариш ясаш керак. Бу колхоз раҳбарларининг адресига айтадиган бир неча оғиз ачиқ гапларимиз бор. Районимиз пахта тайёрлаш планини 1- МТС зонасидаги колхозларнинг плани ошириб адо этиши ҳисобига бажараётир, — дейди ачиниб раис.

Мамарайим ака ўзининг 26 йиллик меҳнат фаолияти давомида колхозда ўзи сингари кўп пахта усталари, колхоз хўжалигининг моҳир раҳбарларини тарбиялаб етиштирди. Колхоз агрономи Раҳим Оқбоев, колхоз партия ташкилоти секретари Раҳим Эгамбердиев, ҳосилот советининг раиси Умар Ҳайдаров, бригада бошлиқларидан Абдураҳим Рустамов, Ҳолдор Пўлатовлар шулар жумласидандир.

Яқинда район партия комитети Мамарайим ака тарбиялаган кадрлардан Раҳим Эгамбердиевни райондаги энг қолоқ ҳисобланган Жданов номли колхозга раисликка тавсия қилди. Жданов номли колхоз аъзолари уни ўз ҳисобот-сайлов йиғилишларида бир оғиздан раис қилиб сайладилар.

«Ленинобод» колхозининг аъзолари ўтган йили ҳосилни 32,2 центнерга ва бир меҳнат кунининг баҳосини 24 сўмга етказишга муваффақ бўлдилар.

— Ер бойлигининг калиди бизнинг қўлда, — дейди Мамарайим Юнусов, — унинг бағридаги битмас-туганмас ҳазинани очиш, алга тақдим қилиш бизнинг қўлимизда. Пешона тери тўкиб меҳнат қилган деҳқон, билиб қўйинг, ҳамма вақт иззат-ҳурматда. Пахта ўстириб, орден олаяпмиз, кўкрагимиздаги «Олтин юлдуз» ҳам шу пахтадан. Пахта бизнинг бойлигимиз, миллий ифтихоримиздир.

Б. ШОНАЗАРОВ.

Ёшлар фестивали олдидан

Ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивалига тайёргарлик кун сайин авж олмоқда. Март-апрель ойларида ўтадиган, район ва шаҳар фестивалари май ойининг бошларида Тошкент шаҳарида бўладиган республика фестивали олдидан энг яхши кучларга кўрик ҳисобланади.

Жуда кўп коллективлар қаторида Тошкентдаги 1-болалар уйининг бадиий ҳаваскорлик коллективи ҳам республика ёшлар фестивалига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Бу ерда хор, музика, физкультура ва спорт, расм тўгаракларининг машғулотлари мунтазам ўтиб турипти. Бадиий ҳаваскорлар хор ашулаларни, турли куй ва рақсларни зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар.

Болалар уйининг бадиий тикувчилик тўгараги аъзолари Фестивалга атаб рангли ипаклар билан гул ва бошқа нарсаларни чиройли қилиб тикмоқдалар. СУРАТДА: 1. тарбияланувчилардан Латифа Ибатуллина ва Дилбар Убайдуллаевалар Фестивалга атаб гул тикмоқдалар. 2. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг спортчиларидан И. Моряков ва А. Новиковалар Фестивалда бўладиган велосипед пойгасига тайёрланмоқдалар.

Х. Хайтмуҳамедова ва Я. Чорбадзис фотолари.

Ёшлар байрамига

Тошкент саноат-экономика техникумининг бадиий ҳаваскорлари жаҳон фестивалига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» ва ёзувчи Уйғун ва И. Султоновнинг «Алишер Навоий» драмаларидан кўринишлар тайёрламоқдалар.

Тўгарак қатнашчиларидан А. Раҳимов, К. Усмонова ва Турғуновалар бош ролларни ижро этмоқдалар. Тўгарак қатнашчилари бир нечта халқ куйлари ва ашулаларни ўрганаётирлар. Тўгарак аъзолари ўзлари тайёрлаган программа асосида яқинда сайлов пунктларида концертлар қўйиб бердилар.

А. РАҲИМОВ.

Зўр иштиёқ билан

Чирчиқ шаҳар ёшларининг фестивали «Коммунизм — бу ёшлик дунёси ва уни ёшлар қуради» деган темада ўтказилади. Ёшлар фестивалини ўтказувчи шаҳар ташкилий комитети саноат корхоналарининг касаба союз ва комсомол ходимлари, мактаб директорлари, бош пионер вожатийлар ҳамда комсомол ташкилотларининг секретарлари билан бир неча семинарлар ўтказди. Бу семинарларда ёшлар фестивалига уюшқоқлик билан тайёргарлик кўриш мақсадида ҳаваскорлик коллективларининг фаолиятини кучайтириш, физкультура ва спорт ишларини жонлантириш ва бошқа шунинг каби ташкилий масалалар муҳокама қилиниб, аниқ кўрсатмалар берилди.

Шаҳар ёшларининг фестивали 27-30 март кунлари ўтказилади. Ҳозир барча бадиий ҳаваскорлик коллективлари бу фестивалга зўр иштиёқ билан тайёрланмоқдалар.

М. АҲМЕДОВ.

Завод ҳаваскорлари

Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводида ёшлар фестивалига тайёргарлик авж олдириб юборилди. Комсомоллар ташаббуси билан цехларда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ташкил этилди. Фестивалга тайёрланувчи тўгараклар ишига раҳбарлик қилиш станоклар наладчиси Тамара Илюшина ва техника контроли бўлимининг контролёри Валя Гладских тўғоқларга топширилди.

15- механика цехида ташкил этилган 40 кишилик хор коллективи «Фестиваль қўшиғи», «Кампир», «Бизни кутиб олинг, Сибирь ерлари» ва бошқа оммавий қўшиқларни, ўйинчилар рус ва ўзбек рақсларини ўрганмоқдалар.

Шунингдек, темирчилик-пресс цехининг комсомоллари ҳам фестивалга пухта тайёрланаётирлар. Хор коллективи «Янги ерликлар қўшиғи», «Демократик ёшлар гимни»ни ўрганмоқда. Прессчи Елена Журавлина ва Галина Боковая турли частушкаларни, автоматчи Владимир Кузьмин «Заречний кўчасида баҳор» ашуласини ўрганяпти. Бошқа ёш ишчилар группаси эса бир пардали «Аёл» пьесасини тайёрламоқдалар. Уларга клуб ходимларидан Владимир Мақсудов ва аккордеончи Юрий Фадеевлар яқиндан ёрдам бераётирлар.

Г. ДЕМИДОВ.

Пухта тайёргарлик

Янгийўл район Свердлов қишлоқ советидаги Сталин номли 15- ўрта мактабда ташкил этилган чолғучилар ансамбли тўгараги ўқитувчи Мавлон Сайловов раҳбарлигида ёшлар фестивалига пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Тўгаракка ўқувчилардан 30 ҳаваскор жалб қилинган. Ўқувчилардан Қобил Зокиров, Иброҳим Қозоқов, Аҳрор Ёқуббеков, Носир Ниёзов, Тойир Собиров, Абдували Тошканбоев, Тўлқин Шабаев, Нишон Рихсиев, Қобил Абдуров, Маҳмуд Исломбековлар най, чанг, доира, гижжак, рубоб ва бошқа чолғу асбобларини чалишни яхши ўзлаштириб, ҳозир мустақил равишда ҳар хил куйларни ижро этяптилар.

Хор тўгараги аъзоларидан Тўхтош Тўрабоева, Муаззам Нуриддинова, Турсун Саидбекова, Зайнаб Анафиева, Муқаддам Шодмонхўжаева, Ҳалима Эгамбердиевалар чолғучилар ансамбли аъзолари билан биргаликда «Партия ҳақида ёшлар қўшиғи», «Комсомол қўшиғи», «Яхшигул», «Ўқи, аъло билим ол» каби қўшиқларни завқ билан ўрганмоқдалар.

С. ЗОКИРОВ.

50 кишилик хор

Тошкентдаги 73-ўрта мактабнинг ҳашаматли биносига киришингиз билан оромбахш музика, ашула садоларини эшитиб роҳатланасиз. Бу яллалар шу мактабнинг қувноқ ўқувчиларининг ёқимли овозидир. Мактаб ўқувчилари Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг VI жаҳон фестивалида қатнашиш учун ҳозирданоқ қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар фестивалга атаб хор, рақс, ашула, пьесалар тайёрламоқдалар. Хор коллективида 50 киши бўлиб, улар партия, Ватан ҳақидаги қўшиқларни ўрганмоқдалар. Тўгаракларга музика ўқитувчиси Раҳимов ҳамда мактабнинг пионер вожатийси Шербоев ўртоқлар раҳбарлик қилаётирлар.

10-синф ўқувчилари фестивалга атаб шоир Уйғун ва И. Султоновларнинг «Алишер Навоий» пьесасини саҳнага қўйишга тайёрлаётирлар. Бунга мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси Н. Хабилов раҳбарлик қилмоқда. Пьесадаги бош ролларни Ортиқов, Маҳмудов, Ҳайдарова, Аллавиддинов ва бошқа ўқувчилар ижро этмоқдалар.

А. МАТКАРИМОВ.

Пискентда фестивалга тайёргарлик ёмон аҳволда

Республикамизда Бутуниттифоқ ёшлар фестивалига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бироқ Пискент районида бу муҳим иш билан ҳеч ким жиддий шуғулланмаётир.

Пискентлик ёшлар ўртасида ҳам юзлаб талантли йигит-қизлар бор. Колхозчи, механизатор, экскаваторчи ва ишчи ёшлардан жуда кўплари ашула айтиш, рақс ўйинларини бажаришга уста. Дуторчи, чилдирмачи, найчи, гармончи, скрипкачи ҳаваскорлар ҳам анчагина. Мактаб ўқувчилари, пионерлар орасида эса кавказча, украинча, молдаванча, русча ва ҳатто ҳиндча рақсларни бажарувчилар, қизиқчи, акробатчи, декламация эйтувчилар кўп. Улар фестивалда қатнашишни чин юракдан орзу қиладилар. Гап фақат бу ёшларни уюштириш, уларнинг талантларини ўстириш, камолотга етказиш учун раҳбарлик қилиш, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишларини жонлантириб юборишдадир.

Ҳамма иллат шундаки, районда ана шу ишларга раҳбарлик қиладиган, ёшларни уюштирадиган, улар ўртасида фестивалга тайёргарликни қизитиб юборадиган киши йўқ.

Район маданият бўлими (мудири ўртоқ Жамолов) ва район комсомол комитети (секретари ўртоқ Алимова, у фестивалга тайёргарлик кўриш комитетининг раиси ҳам) аслда бу иш билан мутлақо шуғулланмаётирлар. Бу ишни маданият бўлими район комсомол комитетига, район комсомол комитети эса маданият бўлимига юклайди. Шунинг учун ҳам районда фестивалга тайёргарлик кўриш бўйича бирон тадбир амалга оширилгани йўқ. Ҳолбуки, хўжакўрсин учун ташкил этилган ташкилий комитет «Иш плани»да ўнларча жуда катта тадбирлар белгиланган.

Ўтган йил Ашула байрами арафасида райондаги Калинин номли, Ворошилов номли колхозлар клубида, Тельман номли, Каганович номли мактабларда, 17-совхозда, пахта заводида ва бошқа жойларда янгидан 11 та ҳаваскорлик тўгараклари ташкил этилиб, уларга 500 га яқин талантли йигит ва қизлар жалб этилган ва жонли иш бошлаб юборилган эди. Бу тўгараклар Ашула байрамига қатнашиб, яхши натижаларга эришган эдилар. Лекин Ашула байрамидан кейин бу тўгаракларга ҳеч қандай раҳбарлик қилинмади ва улар ўз-ўзидан тарқалиб кетди. Шу кунларда 17-совхоз, 13-болалар уйларидаги бадиий ҳаваскорлик тўгаракларигина ишлаб турипти. Булар ҳам фестивалга ўз билганларича тайёргарлик кўраётирлар. Ўртоқ Алимова ва ўртоқ Жамолов уларга ҳеч қандай раҳбарлик қилмаётир.

Маълумки, фестивалда спорт катта ўрин тутади. Фестиваль кунларида ёш гимнастлар, акробатлар ўз маҳоратларини намойиш қилишлари керак. Лекин Пискентдаги физкультура ва спорт комитети (раиси ўртоқ П. Тен) ва «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти (раиси ўртоқ Маликов) фестивалга тайёргарлик кўриш иши билан мутлақо шуғулланмайдилар. Улар аслда райондаги 300 га яқин спортчи ёшлар оммасидан ажралиб қолганлар. Район физкультура ва спорт комитетининг идорасига кулф осиб қўйилганига ҳозир 6 ой бўлди. Районда мусобақа учрашувлар ўтказилмайди. Колхозлардаги физкультура коллективлари раҳбарлик бўлмаганидан ўз ишларини тўхтатиб қўйдилар.

Фестивалга тайёргарлик кўришдаги бу жиддий камчиликлар район ижроия комитети (раиси ўртоқ Р. Усмонов) ва район партия комитетига (секретари ўртоқ Х. Латипов) жуда яхши маълум бўлса-да, улар ҳима учундир ҳеч нима демайдилар. Пискентда фестивалга тайёргарлик кўриш ишига раҳбарлик қачон кучайтирилар экан?

Ғ. АҲМЕДОВ.

Демократик Германия Миллий фронтининг делегацияси Москвага келди

СССР Парламент группасининг таклифига мувофиқ, Демократик Германия Миллий фронтининг делегацияси 18 февралда Берлиндан Москвага келди. Халқ палатаси депутати профессор Эрих Корренс бошчилигидаги делегация составида ўн етти киши — Миллий фронтга бирлашган демократик партиялар ва оммавий ташкилотларнинг вакиллари бор.

Белорус вокзалида делегацияни СССР Парламент группаси раисининг ўринбосарлари М. А. Яснов ва И. А. Каиров, СССР Олий Совети Миллатлар Совети раисининг ўринбосари П. Т. Комаров, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе ва бошқалар кутиб олдилар.

М. А. Яснов немис меҳмонларга қарата нутқ сўзлади.

Делегация бошлиги профессор Эрих Корренс жавоб нутқи сўзлади.

СССР билан Цейлон ўртасида элчилар айрибошлаш тўғрисида

ССР Иттифоқи ва Цейлон ҳукуматлари СССР билан Цейлон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ва бир-бирларига элчи даражасида дипломатия вакиллари юборишга рози бўлдилар.

Владимир Георгиевич Яковлев СССРнинг Цейлондаги фавқулодда ва мухтор Элчиси қилиб тайинланди.

Доктор Гуналала Пайсана Малаласекера Цейлоннинг СССР даги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси қилиб тайинланди. (ТАСС).

Албания Халқ мажлисининг IV сессияси очилди

ТИРАНА, 18 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда Албания Халқ Республикаси Халқ мажлисининг IV сессияси очилди. Сессиянинг кун тартибида — Албания Халқ Республикасининг 1957 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонун проектини муҳокама қилиш ва Халқ мажлиси президиумининг фармонларини тасдиқлаш.

1957 йилги давлат бюджети тўғрисида молия министри А. Верли доклад қилди. Албания Меҳнат партиясининг раҳбарлиги остида ва Совет Иттифоқининг ҳамда социалистик лагердаги бошқа давлатларнинг қардошларча ёрдами билан, деди у, албан халқи ўтган йилда иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида янги муваффақиятларга эришди. Саноат маҳсулот ишлаб чиқариш плани 101,7 процент бажарилди. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши натижасида мамлакатнинг молия ресурслари ҳамда хўжалик ва маданиятни ривожлантириш учун ажратиладиган маблағ миқдори янада кўпайди.

1957 йилги давлат бюджети, деди докладчи, Албания Меҳнат партиясининг III съезди белгилаб берган вазифаларга мувофиқ равишда тузилган. Бюджет даромадлари 15 миллиард лек, харажатлар 14.900 миллион лек белгиланган.

АНГЛИЯ-СОВЕТ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН

ЛОНДОН, 18 февраль. (ТАСС). Англияда чиқадиган энг кўп тиражли «Дейли миррор» газетаси редакцион мақоласида Англия-Совет маданий алоқаларини яна ҳам кенгайтириш тўғрисида ёзмоқда. Газета бундай деб таъкидлайди: Англия ҳукуматининг ташқи сиёсат соҳасида Совет Иттифоқининг баъзи тадбирларига рози бўлмаслиги, Совет ҳукуматининг тинчликсеварлик йўлидаги ҳамма қадамларини «автоматик равишда рад этиш учун» баҳона бўлмаслиги керак. Газета «иккала мамлакат ўртасида маданий айрибошлашни янада кенгроқ миқёсда олиб бормоқ учун имконият мавжуд эканлигини» кўрсатиб, Совет спортчиларининг Буюк Британия енгил атлетикачилари билан дўстона учрашувда қатнашиш учун келажаги тўғрисидаги хабарни ва «Седлерс Уэллс» балети маъмуриятининг Москвада гастроль қилишдан бош тортиш тўғрисидаги ўз қарорини қайта кўриб чиқишга тайёр эканлиги ҳақидаги баёнотини таб риклайди.

МИСР—СУДАН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ҚОҲИРА, 18 февраль (ТАСС). Судан бош министрининг ўринбосари ва қишлоқ хўжалик министри Миргани Ҳамза бугун Қоҳирадан жўнаб кетди. Матбуотнинг билдиришича, Миргани Ҳамза Қоҳирада Миср-Судан муносабатларига доир масалаларни муҳокама қилган.

«Алаҳром» газетаси ёзади: Миснинг Нил дарёсида баланд тўғон қуриш проекти юзасидан Миср билан Судан ўртасида битим тузилди. Газетанинг билдиришича, томонлар бўлажак тўғон тўплай оладиган сув ресурсларини Миср билан Судан ўртасида тенг тақсимлаш ҳақида бир битимга келганлар.

Қишлоқ хўжалик илғорларининг Умумхитой конференцияси

ПЕКИН, 18 февраль. (ТАСС). Бугун Пекинда қишлоқ хўжалик илғорларининг Умумхитой конференцияси очилди. Конференцияда бир мингга яқин киши қатнашмоқда.

Конференцияни Хитой Халқ Республикасининг қишлоқ хўжалик министри Ляо Лу-янь очди. У таъкидладики, ўтган йили Хитойда жиддий табиий офатлар бўлишига қарамай, 1955 йилдагига нисбатан анча мўл ҳосил йиғиштириб олинди. Бу — барча деҳқонларнинг ижодий меҳнат қилганлиги туфайли ва қишлоқ хўжалигини кооперативлаштиришни амалга ошириш асосида мумкин бўлди.

Нормал шароитда, деди Ляо Лу-янь, бу йил яна ҳам мўл ҳосил етиштириш мумкин бўлади. Мамлакатда қишлоқ хўжалигини олий типда кооперативлаштириш ҳозирдаёқ асосан тугалланганлиги шубҳасиз бунга ёрдам беради. Хитой қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари 100 миллионга яқин деҳқон хўжаликларини бирлаштиради. Бу эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга сарфланаётган кучни яна да кўпроқ бирлаштириш имкониятини беради.

Конференцияда сув хўжалиги министри Фу Цзо-и, сув промислоси министри Сюй Дэ-хэн, ўрмон хўжалиги, янги ерларни ўзлаштириш министрликларининг, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қишлоқда иш олиб бориш бўлимининг вакиллари ва Хитой жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари ҳам сўзладилар.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

Индонезия Республикаси Элчихонасида матбуот конференцияси

Индонезия Республикасининг Москвадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Александр А. Марамис 18 февралда совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди.

Элчи баёнот бериб, Индонезияда Индонезия давлатига қарши фитнада айбланган голландиялик икки киши — Юнгслагер ва Шмидтнинг суд қилинганлиги муносабати билан Голландия кейинги вақтларда «жаҳон жамоатчилиги олдида Индонезия Республикасининг обрўсини туширишга мақсадидаги ҳаракатларини кучайтириб юборди», деди.

Элчи бундай деди: Голландия ҳукумати суд олдида турган фактларни яшириш, голландиялик гражданларнинг Индонезияда қонун билан белгиланган тартибга ва Индонезия Республикасининг мустақиллигига қарши кўпорувчилик ишларида қатнашганлиги ҳамда бундай ишларни ташкил этганлиги фактини яшириш ниятида Индонезиядаги суд процесслари тўғрисида туҳмат гапларни тарқатмоқда.

«Бу процесслар билан боғлиқ бўлган нарсаларни яшириш учун Индонезияга ва айниқса унинг судига туҳмат қилиш мақсадини кузатувчи бу кампанияни қоралаш,— деди элчи, — Индонезия ҳукуматининг бурчидир». Шу муносабат билан элчи айтдики, Индонезия ташқи ишлар министрлиги томонидан яқинда Жакартада нашр этилган Оқ китобда голландияликларнинг Индонезиядаги кўпорувчилик ишлари тўғрисида, шунингдек мазкур суд процессларида суд ишларининг қандай юргизилганлиги тўғрисида тўла-тўкис материаллар бор. А. Марамис таъкидлаб ўтдики, Голландиянинг қўйган айбларини Оқ китоб тўпланган фактлар ва ҳужжатлар асосида рад этади.

«Индонезияда суд процесслари,— деди сўнгра элчи, — ҳамиша амалдаги миллий қонунчиликдаги процедурага ва қонунларга мувофиқ равишда, умум томонидан қабул қилинган халқаро практикани тўла эътироф этган ҳолда ўтказилиб келди... Судьялар Юнгслагер ва Шмидтни суд қилган вақтда амалдаги қонунларга тамомила мувофиқ равишда иш юргизганлар».

Шу билан бирга Индонезия элчиси Ғарбий Ириандаги голландиялик маъмурларни «қамоққа олинган ва тегишли ҳимоячисиз суд қилинган индонезияликлар билан шафқатсиз ва раҳмсиз муомала қилишда» айблади. Бу ҳақда бизда асил ҳужжатлар бор, деди у.

Пировардида элчи айтдики, ҳозирги вақтда Голландия ҳукуматининг Индонезия ҳукуматини Шмидт ишини халқаро суд қарамоғига топширишга (айбдор Юнгслагер суд процесси тамом бўлганига қадар касалхонада юрак касаллигидан вафот этган) мажбур этиш йўлидаги уринишлари жаҳон жамоатчилиги олдида Индонезия Республикасининг обрўсини туширишга ва Индонезия судининг иш қобилиятини шубҳа остига қўйиш мақсадини кузатмоқда. «Суд процесси (Шмидт иши юзасидан), — деди элчи, — Индонезиянинг ўдий судида давом эттирилади. Бу суднинг ишига ва нормал процедурасига халқаро суд каби юксак органнинг аралашуви учун ҳеч қандай сабаб ёки асос йўқ».

Матбуот конференциясининг охирида ҳозир бўлган мухбирларга Индонезия ташқи ишлар министрлиги Оқ китобининг нусхалари тарқатилди. (ТАСС).

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XI СЕССИЯСИ

СИЕСИЙ КОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 18 февраль. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг Сиёсий комитети бугун Кипр тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришди. Бугун эрталабки мажлисда Греция делегациясининг бошлиғи Греция ташқи ишлар министри Авероф биринчи бўлиб сўзга чиқди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 18 февраль. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгаши бугун Кашмир масаласини муҳокама қилишни давом эттирди. Покистон вакили — ташқи ишлар министри Нун биринчи бўлиб сўзга чиқди.

«КИЧИК ЕВРОПА» ТАШАББУСКОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ПАРИЖ, 18 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда олтита Ғарбий Европа мамлакатлари ташқи ишлар министрларининг «умумий бозор» (таможна иттифоқи) ва «Евратом» («атом бирлашмаси») барпо этиш проектларини муҳокама қилишга бағишланган кенгаши очилди. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, кенгаш қатнашчилари «умумий бозор» барпо этиш масаласи юзасидан ва жумладан, денгиз нарёгидаги территорияларни ана шу бозорга қўйиш шартлари масаласида жиддий ихтилофларга дуч келганлар. Бу ерда кўрсатишларича, Ғарбий Германия, Италия, Бельгия, Голландия ва Люксембург вакиллари Франциянинг Африкадаги территорияларини «умумий бозор»га қўшишга асосан қаршилик қилмайдилар. Францияга келганда эса, Франция ўзининг денгиз нарёгидаги территорияларидаги маҳсулотлар (асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари) «умумий бозор» проектининг қатнашчилари бўлган мамлакатлардан устун бўлишини ва Франциянинг шерикларидан мазкур территориялар учун капитал маблағ сарфлашда қатнашишни талаб қилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган олти мамлакат ҳукуматлари бошлиқларининг 19 февралда кенгашини ўтказиш белгиланган. Бу кенгаш «умумий бозор» ва «Евратом» барпо қилиш проектларини маъқуллаши керак.

БОНН, 18 февраль. (ТАСС). «Франкфуртер рундшау» газетаси Парижда бўлаётган кенгашда муҳокама қилинаётган «умумий бозор» барпо қилиш проектини шарҳлаб, «Бурдсиз шартнома» сарлавҳали мақоласида бундай деб ёзади: «умумий бозор» деган шиор остида «Кичик Европа» деб аталадиган иттифоқни барпо қилиш плани барбод бўлган «Европа мудофаа бирлашмаси»ни баъзи жиҳатдан эслатади.

ҲОДИСА

ИЧКИЛИК ОҚИБАТИ

Кунларнинг бирида Ўрта Осиё Политехника институти механика факультетининг 4-курс студенти Анвар Қаюмов икки ўртоғи билан «Фаргона» ресторанига кириб, у ерда вино ичадилар. Анвар ташқарига чиққанида ширакайф, эс-ҳуши жойида эди. Аммо нафси хаккалак отган Анварнинг яна ичкиси келди.

— Юринглар, энди «Зарафшон»га бориб, пивахўрлик қиламиз, — дейди у кўзларини сузиб ёнидаги ўртоқларига.

— Қўйсангчи, — деб тил учида уни йўлдан қайтара бошлайди ўртоқларидан бири. — Пулинг кўпми дейман, қўй ичмайлик.

— Ичамиз, пул кетса кетар. Бош омон бўлса, дўппи топилади, — деб жавоб қайтарди Анвар.

— Ҳай майли, нима ҳам дер эдик, ихтиёр ўзингда, — деб розилик билдиришди ўртоқлари.

Улар бир-бирларига қўлтиқ таёқ бўлиб, «Зарафшон» ресторанига кириб борадилар. Аммо у ерда бironта ҳам бўш стул йўқ, ҳамма жой хўрандалар билан банд эди. Анвар бирорта стул бўшагунича тоқат қилиб, кутиб туришликни ўзига эп билмади шекилли, тўғри Ковалев ва Андреевлар овқатланиб ўтирган стулга яқинлашди. У ҳеч бир сўроқсиз улар пиво ичиб ўтирган стаканни олади. Бундай беадабликдан гоят ажабланган Ковалев Анварни тартибга чақиради.

— Мумкин бўлса, стаканларни ўз жойига қўйсангиз, кўриб турибсизки, у бизга керак, — дейди у очиқ кўнгиллилик билан. Аммо негадир ҳақ гап Анварга ҳақоратдек бўлиб туюлди. У бир зумда тутоқиб кетди.

— Ҳали менга дўқ қиладиган сенмисан, мана бўлмаса,—деб Ковалевлар ўтирган стулни тепиб юборди. Ўртада шовқин-сурон кўтарилди. Анварнинг ўртоқлари уни тинчлантирмоқчи бўлдилар. Аммо у ўжарлик қилиб, уларнинг гапига қулоқ солмади. Орага официантка тушади. У ҳам Анварга яхши гаплар айтиб, тинчитмоқчи бўлади. Аммо Анвар ганга қулоқ солмайди. Аксинча, сўкиб, ҳақорат қилади. Ҳақорат ҳам камлик қилганидек официанткaнинг ишчи столини ағдариб юборади. Стол устидаги 214 сўмлик идишлар чил-чил бўлиб синиб кетади. Официантка шу оннинг ўзидаёқ кўпчиликнинг ёрдамида Анвардан 214 сўмни ундириб олади. Аламидан нима қилишини билмаган Анвар: «Ҳаммасига сен сабабчисан» деб яна Ковалевга ёпишади ва бўш пиво бутилкаси билан уриб, унинг бошини ёради. Бу орада милиция ходимлари ҳам етиб келадилар. Ичкиликка берилиб, одам қиёфасини йўқотиб қўйган тартиббузар дарҳол қўлга олинади.

Яқинда Марказий район 3-халқ судининг очиқ мажлисида Анвар Қаюмовнинг жиноий иши кўрилди. Халқ суди уни бир йил муддат билан ахлоқ тузатиш меҳнат лагерига юборишга ҳукм қилди.

З. МУҲАМЕДОВ.
Н. РИХСИЕВ.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/II да **Ганг дарёсининг қизи**, 21/II да **Гамлет**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/II да **Оққуш қўли** (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/II да **Зафар**, 21/II да 2 бўлимда **концерт**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — бугун ва ҳар куни **«Етти қувноқ» қизиқчилар группаси** ва бошқа томошалар. Томоша кеч соат 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — эрталаб соат 9 дан кундуз соат 3 гача ва кеч соат 11 да янги Австрия бадиий фильми **Кнопка ва Антон**, кундуз соат 5 дан кенг экранли янги рангли бадиий фильм **Пролог**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Мисс Менд** (2-серия).

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 8 гача **Душман гирдоби**, кеч соат 10 да **Кнопка ва Антон**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Кнопка ва Антон**, кечқурун **Душман гирдоби**.

Лугин кўчаси, 15-уйда турувчи **Алия Султонованинг** шу уйда турувчи Нурсултон Уталиевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район 3-участка халқ судида кўрилади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
21, 22, 26, 27, 28 февралда
Ўзбекистон халқ ҳофизи
МАЪМУРЖОН УЗОҚОВ КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Гавҳар Раҳимова, Муҳаммаджон Мирзаев**, артистлардан **Муҳаббат Мусаева, Башорат Хўжаева, А. Ғуйчиев, А. Муллахолов, А. Саидбаттолов, И. Тураев**, «Баҳор» хотин-қизлар ансамбли қатнашади.

Концертлар кеч соат 9 да бошланади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136 Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048 Эълонлар бўлими — 28142.

Р01049. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № — 1745.